

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик факультети

**“МДХ, Яқин ва Ўрта Шарқ минтақаси иқтисодиёти ва
мамлакатшунослиги” кафедраси**

Қўлёзма ҳуқуқида

Амилова Васида Искандаровна

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ
МАМЛАКАТЛАРИ БИЛАН САВДО-ИҚТИСОДИЙ
АЛОҚАЛАРИ**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

5341000 - Минтақашунослик (Иқтисод ва мамлакатшунослик) – МДХ,
Европа ва Америка мамлакатлари таълим йўналиши

Илмий раҳбар: и.ф.н., доц. Эрмаматов Ш.Ж.

ТОШКЕНТ - 2011

ҲИМОЯГА РУХСАТ БЕРИЛДИ:

Факультет декани:

с.ф.н., доцент И.Н.Бекмуратов

Кафедра мудири:

и.ф.н., доцент Ш.Ж.Эрмаматов

МУНДАРИЖА

| | |
|--|--------------|
| КИРИШ..... | 3-7 |
| 1-БОБ. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ..... | 8-23 |
| 1.1. Халқаро савдо ривожланишининг назарий жиҳатлари..... | 8-18 |
| 1.2. Ташқи иқтисодий фаолият ривожланишини таҳлил қилишнинг услубий масалалари..... | 18-23 |
| 2-БОБ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ БИЛАН САВДО ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.... | 24-42 |
| 2.1. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо иқтисодий алоқалари динамикаси ва унга таъсир этувчи омиллар..... | 24-34 |
| 2.2. Ўзбекистоннинг минтақа мамлакатлари билан савдо иқтисодий алоқалари таркиби ва уни такомиллаштириш йўналишлари..... | 34-42 |
| ХУЛОСА..... | 43-49 |
| Фойдаланилган адабиётлар рўйхати..... | 50-55 |
| ИЛОВАЛАР..... | 56-67 |

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизда амалга оширилаётган модернизациялаш жараёнлари муваффақияти кўп жиҳатдан жаҳон хўжалиги тизимига интеграциялашишга, халқаро меҳнат тақсимоти ва глобаллашув жараёнларига мақсадга мувофиқ мослашиш орқали республикамизнинг мавжуд табиий-иқтисодий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга боғлиқ. Бу жараёнда ташқи савдони ривожлантириш, унинг товар ва географик таркибини диверсификациялаш алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Кейинги вақтда жаҳон бозорида нархи кескин тушиб кетган хом ашё ресурсларини экспорт қилиш амалиётидан имкон қадар тезроқ қутилиб, тайёр рақобатбардош маҳсулотлар экспортини фаол ошириш ва бу маҳсулотлар етказиб бериладиган мамлакатлар географиясини янада кенгайтиришимиз керак”¹.

Юқоридаги мақсадга эришишда ҳудудий жиҳатдан яқин, бир минтақада жойлашган мамлакатлар, энг аввало, Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш муҳим ўрин тутди. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларни устун даражада ривожлантириши қатор афзалликларга эга бўлиб, улардан энг муҳимлари қуйидагилардан иборат:

- сўнгги йилларда мамлакатимизда кўшилган қиймат даражаси юқори маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳасида қатор муваффақиятларга эришилди. Марказий Осиё мамлакатлари бундай маҳсулотлар учун йирик бозор вазифасини бажариб бериши мумкин. Ички бозори тўйинмаган ушбу мамлакатларнинг республикамизда ишлаб чиқарилган тайёр sanoat маҳсулотларини сотиб олишга эҳтиёжлари жуда катта;

¹Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимизнинг фаровонлигини янада юксалтиришдир /И.А.Каримов. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010. – 64-бет.

- республикамизнинг тўғридан тўғри денгиз йўллариغا чиқа олмаслиги туфайли маҳсулотлар экспортида йирик транспорт харажатлари талаб этилади. Географик нуқтаи назардан қўшни ҳисобланган мамлакатларга маҳсулот экспорт қилиш ушбу харажатларни минималлаштиради ва маҳсулот таннархига ижобий таъсир кўрсатади;

- жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, бир минтақада жойлашган мамлакатларнинг жаҳон бозорига биргаликда чиқишлари жаҳон хўжалик тизимиغا муваффақиятли тарзда интеграциялашиш имконини беради ва бошқалар.

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга қаратилган тадқиқотлар олиб бориш, ушбу алоқаларни ривожлантириш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Халқаро савдонинг моҳияти ва унга таъсир этувчи омиллар, ташқи иқтисодий фаолиятнинг миллий иқтисодиёт ривожланишига таъсири, экспорт сиёсати ва ташқи савдо стратегияларини ишлаб чиқишнинг назарий-услубий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи-олимлар – А. Смит, Д. Рикардо, Э.Хекшер, Б.Олин, В. Леонтъев, П. Самуэльсон, Р. Вернон, М. Портер, Ж. Сакс, А. Маршалл, П. Кругман, Д. Хикс, Дж. М. Кейнс, Ф. Хайек ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топган.

Жаҳон хўжалик тизимида юз берган геосиёсий ўзгаришлар натижасида Марказий Осиё мамлакатларининг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрни сезиларли даражада ошди. Бунинг натижасида эса Марказий Осиё мамлакатларининг жаҳон хўжалик тизимида тутган ўрни, улар ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар масалалари, минтақа мамлакатларида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар хорижлик иқтисодчилар эътиборини ўзига жалб эта бошлади. Шу муносабат билан Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар ҳамда минтақада

интеграция жараёнларини чуқурлаштириш масалалари хорижлик иқтисодчи олимлар – М.З. Абидин, Б.Виноградов, Н.Дрозд, С.Жуков, Е.Кузьмина, П.Лихмус, Д. Малишева, Т.Подар, О.Резникова, Ф.Старр, Я.Цукровски, Шишков Ю. ва бошқалардан томонидан ўрганилган.

Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалик тизимига интеграциялашувининг асосий йўналишлари, мамлакатимиз ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантиришнинг илмий-амалий жиҳатлари, Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг ривожланиш тенденциялари – Алимов А.М., Аҳмедов Т.М., Арифхонов Ш., Бедринцев А.К., Исаджонов, А., Киндалов В.В., Махмудов Э., Расулев А.Ф., Сиражиддинов Н., Трушин Э.Ф., Тўхлиев Н.Т., Хакимов Ф.Х., Холматов Н.Б., Эргашев Б., Юсупов А.С. ва бошқаларнинг илмий ишларида кенг ёритиб берилган.

Битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари. Битирув малакавий ишининг асосий мақсади глобал инқироз шароитида Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларини ривожлантириш бўйича илмий асосланган таклифлар тайёрлашдан иборат.

Битирув малакавий ишининг вазифалари. Ушбу мақсадга эришиш учун ишда қуйидаги вазифалар қўйилган:

- турли иқтисодий қарашларни ўрганиш ва умумлаштириш асосида халқаро савдонинг моҳиятини ёритиб бериш;
- ташқи иқтисодий фаолият ривожланишини таҳлил қилиш кўрсаткичларини бир тизимга келтириш;
- Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо иқтисодий алоқалари динамикасини таҳлил қилиш асосида унга таъсир этувчи омилларни аниқлаш;
- Ўзбекистоннинг минтақа мамлакатлари билан савдо иқтисодий алоқалари таркибини таҳлил қилиш ва уни такомиллаштириш йўналишларини асослаб бериш.

Битирув малакавий ишининг объекти этиб Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқалари танлаб олинди, **предмети** эса ташқи савдони ривожлантириш усуллари ва механизми ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг назарий-услубий асоси бўлиб ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини шакллантириш, ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарларида илгари сурилган ғоялар, йирик иқтисодчи-олимлар томонидан яратилган илмий концепциялар хизмат қилди. Шунингдек, тадқиқот давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлардан кенг фойдаланилди.

Битирув малакавий ишининг методлари. Битирув малакавий ишини ёзиш давомида меъёрий, таққослаш, гуруҳлаш, ҳисоб-конструктив ва бошқа усуллар қўлланилди.

Битирув малакавий ишининг ахборот базаси сифатида МДҲ мамлакатлари Давлатлараро статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги маълумотларидан фойдаланилди.

Ишнинг илмий янгилиги. Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар динамикаси жаҳон бозоридаги конъюнктуравий ўзгаришлар билан узвий боғлиқ равишда таҳлил қилинган ва бу алоқаларни ривожлантириш имкониятларига баҳо берилган;

- Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги савдо алоқаларининг товар таркибини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ишнинг амалий аҳамияти. Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ундаги илмий асосланган таклифлардан Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш бўйича мақсадли дастурлар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, битирув малакавий иш материалларидан Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодиётини ўқитиш билан боғлиқ ўқув курсларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишининг тузилиши. Битирув малакавий иши кириш, икки боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Битирув малакавий ишининг **кириш** қисмида тадқиқ этилаётган мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, янгилиги ва амалий аҳамияти ёритиб берилган.

Битирув малакавий ишининг **“Ташқи иқтисодий фаолиятни тадқиқ этишнинг назарий асослари”** биринчи бобида турли иқтисодий қарашларни ўрганиш ва умумлаштириш асосида халқаро савдонинг моҳияти ёритиб берилган, ташқи иқтисодий фаолият ривожланишини таҳлил қилиш кўрсаткичлари бир тизимга келтирилган.

Ишнинг **“Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо иқтисодий алоқаларининг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари”** иккинчи бобида Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо иқтисодий алоқалари динамикаси таҳлил қилинган ва унга таъсир этувчи омиллар аниқланган, Ўзбекистоннинг минтақа мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқалари таркиби таҳлил қилинган ва уни такомиллаштириш йўналишлари асослаб берилган.

Ишнинг **хулоса** қисмида олинган илмий хулоса, амалий тавсия ва таклифлар умумлаштирилган.

1-БОБ. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ РИВОЖЛАНИШИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Халқаро савдо ривожланишининг назарий жиҳатлари

Жаҳон хўжалик тизимида глобаллашув жараёнларининг чуқурлашуви натижасида миллий иқтисодиётларнинг бир-бирига боғлиқлиги ортиб, ташқи иқтисодий фаолият барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим омилига айланиб бормоқда. Бундай шароитда алоҳида олинган мамлакат фақат ўз ички имкониятларига таяниб ижтимоий-иқтисодий тараққиётда бирор бир жиддий натижаларга эришиши мушкул ҳисобланади.

Гарчи сўнгги йилларда халқаро иқтисодий алоқаларда товар экспортига нисбатан инвестицияларни бевосита хорижга чиқариш юқори суръатларда ўсаётган бўлса-да, жами жаҳон хўжалик алоқаларининг 4/5 қисми халқаро савдо ҳиссасига тўғри келади. Бу, энг аввало, халқаро савдонинг миллий иқтисодиётдаги аҳамияти ва халқаро иқтисодий алоқалардаги ўрни билан изоҳланади.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий иқтисодиёт ривожланишига кўйидаги йўналишларда таъсир кўрсатади:

- миллий иқтисодиётнинг ресурслар базаси кенгаяди ва ички бозор торлигига барҳам берилади;

- миллий хўжаликларда такрор ишлаб чиқариш жараёнлари интенсивлашади: оммавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун имконият юзага келади, ускуналарнинг юкланганлик даражаси ошади, янги техника ва технологияларни жорий этиш самарадорлиги ўсади;

- жамғариш ва саноатлашув имкониятлари кенгаяди, иқтисодий ўсиш суръатлари жадаллашади, табиий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги ошади, пировард натижада меҳнат унумдорлигининг ўсиши юз бериб, кишилар даромадлари кўпаяди;

- экспорт ҳажмининг ўсиши янги иш ўринларининг барпо этилишига олиб келади;

- мамлакатнинг халқаро ихтисослашув даражаси ортади ва ҳ.к.

Халқаро савдонинг халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида тутган ўрни эса қуйидагилар билан белгиланади:

Биринчидан, жаҳон хўжалик алоқаларининг барча шакллари – четга капитал чиқариш, ишлаб чиқариш кооперацияси, илмий-техника ҳамкорлиги халқаро савдо орқали амалга ошади.

Иккинчидан, товарлар халқаро савдосининг ривожланиши пировард натижада халқаро хизматлар алмашинуви даражасини белгилаб беради.

Учинчидан, халқаро савдонинг ривожланиши минтақавий интеграция жараёнлари жадаллашувининг муҳим шарти ҳисобланади ва халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашувига олиб келади.

Тўртинчидан, халқаро савдонинг жадал ривожланиши хорижий инвестициялар ва халқаро ҳисоб-китобларни рағбатлантиради.

Халқаро савдонинг моҳияти, унинг сабаблари кўплаб иқтисодчилар эътиборини ўзига жалб этиб келган. Халқаро савдонинг моҳияти, ундан кутиладиган моддий фаровонлик масалаларини дастлаб меркантилистлар² изоҳлаб беришга ҳаракат қилганлар. Меркантилистлар мамлакат бойлигининг асосини олтин (пул) ташкил этади деб ҳисоблаганлар ва уларнинг ташқи савдо назариялари шу ғояга асосланган. Меркантилистлар фикрича, ташқи савдо мамлакатдаги олтин миқдорини сақлаб қолиш ва кўпайтиришга қаратилмоғи лозим. Шу сабабли мамлакат аҳолиси турмуш фаровонлигини яхшилаш учун имкон қадар маҳсулотларни кўпроқ экспорт қилиши ва камроқ импорт қилиши зарур, экспорт ва импорт ўртасидаги тафовут эса миллий бойликнинг ўсиши ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда давлат экспортни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши ва импортни чеклаши лозим. Айни вақтда “илк” меркантилистлар ва “кеч”

²Меркантилизм мактабининг асосий намояндalари Томас Мун (1571-1641), Чарльз Давенант (1656-1687), Джейн Баптист Колберт (1623-1687), Уильям Петти (1623-1687) ҳисобланади.

меркантилистлар қарашларида бироз тафовут мавжудлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Ушбу мактаб вакилларининг ташқи савдо назариясини ривожлантиришдаги хизматлари шундаки, улар биринчилардан бўлиб ташқи савдо муаммоларига эътибор қаратдилар, унинг мамлакат иқтисодий ривожланишидаги аҳамиятини таъкидладилар, экспорт ва импортга сарфланадиган харажатларнинг муайян нисбатини асослаб бердилар.

Мумтоз сиёсий иқтисод асосчиларидан бири шотланд профессори А.Смит ўзининг “Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисида тадқиқотлар” деб номланган машҳур китобида мамлакатлар ўртасидаги савдонинг назарий моделини яратишга катта эътибор беради. Мамлакатлар географик жойлашишининг ҳар хиллиги натижасида у ёки бу товарларни ишлаб чиқариш харажатлари бир хил бўлмаслиги туфайли юзага келадиган халқаро меҳнат тақсимоти бу моделнинг асосини ташкил этади. Буюк иқтисодчи илгари сурган концепцияда “соғлом фикр”га таянувчи хўжалик субъектининг мақсадга мувофиқ муомала тамойиллари ташқи савдо соҳасига кўчирилади: тадбиркор ўз мамлакатадагига нисбатан хориждан паст нархда товар сотиб олар экан, ўз мамлакатада маълум устунликлар натижасида ишлаб чиқариш арзон тушадиган товар тайёрлашни мақсад қилади. Бундай вазиятда мамлакатнинг халқаро савдодаги роли энг кам даражага камайтиради. Товарлар оқимини эса бозордаги “кўринмас қўл”, яъни рақобат белгилайди.

Шундай қилиб, меҳнат тақсимоти ва мамлакатларнинг ўзлари мутлақ устунликка эга бўлган товарларни ишлаб чиқаришга ихтисослашуви, кейинчалик, яъни ички эҳтиёжлар қондирилганидан сўнг бу товарларни бошқа мамлакатларда кам сарф-харажатларга эга бўлган товарларга айирбошлаш ўзаро савдо қилувчи мамлакатларга ресурсларни тежаш ҳисобига харажатларни қисқартириш имконини беради.

Инглиз иқтисодчиси Д.Рикардо “Сиёсий иқтисод ва солиққа тортишнинг бошланиши”³ асарида А.Смит концепциясини ривожлантирар экан, мутлақ устунлик янада умумийроқ моделнинг хусусий холи эканлигини кўрсатиб берди. Бу модел нисбий устунлик назарияси номини олди.

А.Смит мумтоз йўлининг давомчисининг ғояларига кўра, алоҳида олинган мамлакатда ҳамиша шундай бир товар топиладики, уни ишлаб чиқариш, жаҳондаги ўртача харажатлар даражасида бошқа барча товарларни ишлаб чиқаришга нисбатан самаралироқдир, яъни нисбий устунлик ана шу товарни ишлаб чиқаришда энг кам харажатларга эга бўлинганда юзага чиқади.

Товар айирбошлашнинг конкрет ҳолларини назарий ифодалашда аниқликка эришиш учун Д.Рикардо бир қатор шартларга риоя қилиш керак деб ҳисоблайди. Бу шартларнинг энг муҳимлари сифатида қуйидагиларни кўрсатади: ишчи кучининг халқаро ҳаракатчан эмаслиги, кўшимча чиқимлар (транспорт ва бошқалар) ва техник янгиликлар киритиш натижасида харажатларнинг ўзгаришини эътиборга олмаслик. У иқтисодий адабиётларда классик бўлиб қолган Англияда мато ва Португалияда вино ишлаб чиқаришни мисол қилиб келтиради.

Рикардо келтирган мисолга кўра, Англияда мато ишлаб чиқариш бир йилда 100 киши меҳнатини талаб қилади. Бу матони Португалияга сотиб, Англия ундан вино сотиб олади. Винони мамлакат ичкарасида ишлаб чиқариш эса кўшимча 120 кишини ишлаб чиқаришга жалб этишни талаб этар эди. Шундай қилиб, Англияга винони сотиб олиш фойдали ҳисобланади. Айни вақтда Португалияда шунча миқдордаги мато ва винони ишлаб чиқариш учун мувофиқ равишда 90 ва 80 киши талаб этилади. Португалияда мато ишлаб чиқариш Англияга нисбатан арзон, аммо вино ишлаб чиқаришга нисбатан қиммат. Шу сабабли Португалия учун вино ишлаб чиқариш ва уни Англия матосига алмаштириш фойдали ҳисобланади. Агар бир хил

³ David Ricardo. The Principles of Political Economy and Taxation. – Cambridge University Press, 1951, pp.133-149.

миқдордаги мато ва винони ҳар бир мамлакат ўзи учун ва экспорт учун ишлаб чиқаради, деб фараз қилсак ва уларни ўзаро таққосласак, ташқи савдонинг афзаллигини осон исботлаш мумкин.

Келтирилган маълумотлар шундан далолат берадики, ишлаб чиқариш Португалияда самарали бўлиб, мутлақ афзаллик назариясидан келиб чиқилмайдиган бўлса, Англияда ишлаб чиқаришни тўхтатиш ва барча маҳсулотларни Португалиядан сотиб олиш лозим. Айни вақтда мамлакатда барча ишлаб чиқаришни ёпиш мумкин эмас. Шу сабабли Англия хорижда энг арзон бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришни тўхтатади. Мазкур мисолда бундай маҳсулот вино бўлиб, Португалияда вино ишлаб чиқариш учун Англиядаги харажатларнинг 67 фоизи сарфланади, холос. Вино ишлаб чиқаришдан озод бўлган кишилар мато ишлаб чиқариш билан шуғуллана бошлайдилар ҳамда уни ички эҳтиёжларни қондириш ва вино сотиб олиш учун етарли миқдорда ишлаб чиқара бошлайдилар.

Мато ишлаб чиқариш ҳам Англияга нисбатан арзон, аммо Португалия вино ишлаб чиқаришга ихтисослашишни афзал билади. “Унинг (Португалия) учун ўз капиталидан вино ишлаб чиқаришда фойдаланиш афзалроқ, чунки Португалия ўз капиталининг бир қисмини виночиликдан мато ишлаб чиқаришга ўтказиш эвазига ишлаб чиқарадиган матога нисбатан Англиядан кўпроқ мато сотиб олишга эришади”⁴.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ташқи савдо ҳар иккала мамлакат учун ҳам фойдали ҳисобланади. Агар мамлакатлар ташқи бозорга чиқмасалар Португалияда вино ва мато ишлаб чиқаришга сарфланмайдиган жами харажатлар 170 бирликни, Англияда – 220 бирликни ташкил этади. Ихтисослашув ва ташқи бозорга чиққандан сўнг Португалияда ишлаб чиқариш харажатлари 160 бирликка, Англияда 200 бирликка тенг бўлади. Иккала мамлакатда илгари эҳтиёжларни қондириш учун 390 меҳнат бирлиги талаб қилинган бўлса, ихтисослашувдан сўнг 360 меҳнат бирлиги керак

⁴ Рикардо Д. Соч., Т.1. – с.117.

бўлади, холос. Шундай қилиб, ташқи бозор истеъмол қилинаётган товарларга сарфланаётган харажатларни минималлаштиради.

Нисбий афзаллик назарияси меҳнатнинг қиймат назариясига асосланади. Ҳозирги кунда нисбий афзаллик муқобил харажатлар орқали аниқланади.

Д.Рикардонинг концепциясига инглиз файласуфи, социологи ва иқтисодчиси Дж.Стюарт Милль томонидан катта ҳисса қўшилди. У XIX асрнинг ўрталарида ўзининг “Сиёсий иқтисод асослари” асарида айирбошлаш баҳоси талаб ва таклиф қонуни бўйича белгиланишини, бунда мамлакат ўзининг умумий экспорти қийматига тенг миқдорда умумий импортга ҳақ тўлаш имкониятига эга бўлишини исботлади.

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида халқаро савдодаги таркибий ўзгаришлар натижасида табиий афзалликларнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги роли сезиларли даражада пасайди. Швед олими Э.Хекшер ва даниялик Б.Олин қайта ишлаш саноати маҳсулотлари билан савдо қилиш сабабларини изоҳлаб берувчи назарияни яратдилар (XX асрнинг 20-30 йиллари). Ушбу назарияга мувофиқ турли мамлакатлар меҳнат, капитал ва ер билан турли даражада таъминланган бўлиб, уларга бўлган талаб ҳам бири-биридан фарқ қилади.

Масалан, меҳнат ресурсларига бой бўлган мамлакатда капитал етишмовчилиги мавжуд бўлиб, меҳнат нисбатан арзон бўлади ва, аксинча, меҳнат ресурслари кам бўлиб, капиталга бой бўлган мамлакатда капитал нисбатан арзон бўлади. Шу сабабли биринчи мамлакатнинг меҳнат сиғими юқори бўлган, иккинчи мамлакатнинг капитал сиғими юқори бўлган маҳсулотни экспорт қилиши манфаатли ҳисобланади. Хекшер-Олин назарияси халқаро савдода кузатиладиган кўплаб қонуниятларни аниқ изоҳлаб беради. Ҳақиқатдан ҳам мамлакатлар ишлаб чиқариш харажатларининг асосий қисмини ўзларида мўл бўлган ресурслар ташкил этадиган товарларни экспорт қиладилар.

Кўриб ўтилган модель метропол (саноати ривожланган) ва мустамлака мамлакатлар (аграр – хом-ашё етказиб берувчи) ўртасидаги савдонинг ривожланиш жараёнини тушунтиришда кўпроқ фойдали бўлди.

Бироқ, АҚШ – Ғарбий Европа – Япония “учбурчаги”даги товар оқимларини таҳлил этишда Хекшер-Олин концепцияси бир қатор қийинчиликлар туғдирди ва зиддиятларга сабаб бўлди. Бунга кўплаб йирик иқтисодчилар, жумладан, Нобель мукофоти лауреати америкалик иқтисодчи В.Леонтьев ҳам ўз эътиборини қаратган. Гап шундаки, Леонтьевнинг ҳисоб-китобларига қараганда, 1947 йилда капитал сероб ҳисобланган АҚШ капитал кўп талаб қиладиган товарларни эмас, балки меҳнат кўп талаб қиладиган товарларни экспорт қилган.

Леонтьев парадокси атрофида юзага келган тортишувлар ишлаб чиқариш омилларини чуқурроқ таҳлил этиш ва бир қатор янги халқаро савдо назарияларининг пайдо бўлишига олиб келдики, уларнинг ҳар бири товарайирбошлашнинг у ёки бу жиҳатига урғу беради.

XX асрнинг ўрталарида (1948 йил) америкалик иқтисодчилар П.Самуэльсон ва В.Столпер Хекшер-Олин назариясини янада такомиллаштирдилар. Ишлаб чиқариш омиллари ва техниканинг бир хиллиги, соф рақобат ва товарларнинг тўлиқ сафарбарлиги шароитида халқаро алмашув мамлакатлар ўртасида ишлаб чиқариш омиллари нархларини тенглаштиради. Муаллифлар ўз концепцияларини Д.Рикардо модели асосида Хекшер-Олин назариясини тўлдириш орқали асослайдилар ва савдога нафақат ўзаро манфаатли алмашув, балки мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ўртасидаги тафовутни қисқартириш воситаси сифатида ҳам қарайдилар.

Халқаро савдонинг замонавий концепцияларини икки асосий турга ажратиш мумкин.

Хекшер-Олин модели тарафдорлари бу моделни ишлаб чиқариш омилари қаторига техник янгиликлар ёки ишчи кучи малакаси каби янги

омилларни киритиш йўли билан аниқлаштиришга интиладилар (И.Кравис, Д.Кисинг).

Бу концепцияга қаршилар эса ўз эътиборларини фирма ичкарасидаги ташқи операцияларда катта ўринга эга бўлган таркибий қисмларга қаратишади. Америкалик иқтисодчи С.Линдерт ривожланган мамлакатлар ўртасидаги товар айирбошлашнинг кенгайишини импорт қилувчи мамлакат истеъмол таркибининг бош компания жойлашган мамлакатнинг ана шундай истеъмол таркибига яқинлиги билан тушунтиради.

Халқаро савдонинг яна бир кенг тарқалган назарияси, яъни маҳсулот ҳаётий даври концепциясининг муаллифлари, америкалик Ч.Киндельбергер, Р.Вернон, Л.Уэльс ривожланган мамлакат томонидан амалга ошириладиган товар экспанциясининг асосий босқичларини ажратиб кўрсатадилар. Бу концепцияга кўра, ишлаб чиқарилган маҳсулот билан, энг аввало, ривожланиш даражаси яқинроқ бўлган иқтисодий ҳамкорларнинг миллий бозори тўлдирилади, кейин бу товар ривожланаётган мамлакатлар бозорига суриб чиқарилади. Ривожланаётган мамлакатлар эса, ўз навбатида, бу товрани ишлаб чиқаришни ўзлаштириб олганларидан сўнг, нисбатан паст нархда ривожланган мамлакатга – бу даврнинг ташаббускорига экспорт қилади.

XX асрнинг 60-йилларида америкалик иқтисодчи Р. Вернон маҳсулотнинг ҳаёт цикли назариясини илгари сурди. Бу назарияда Р.Вернон тайёр маҳсулотлар халқаро савдосини уларнинг ҳаёт босқичлари орқали тушунтириб беришга ҳаракат қилди. Мазкур назарияга кўра, маҳсулотнинг ҳаёт цикли тўртта босқични ўз ичига олади: жорий этиш, ўсиш, пишиб-етилиш ва пасайиш. Биринчи босқичда мамлакат (кўп ҳолларда ривожланган мамлакат) ичкарасида пайдо бўлган эҳтиёжга жавоб сифатида янги маҳсулот яратилади. Шу сабабли биринчи босқичда янги маҳсулотни ишлаб чиқариш кичик серияли характерга эга бўлиб, ишловчилардан юқори малака талаб қилади ва асосан ишлаб чиқариш ушбу маҳсулотни яратган мамлакатда

жамланади, ишлаб чиқарувчи эса қарийб монопол мавқега эга бўлиб, маҳсулотнинг кичик қисми ташқи бозорга чиқарилади.

Ўсиш босқичида маҳсулотга бўлган талаб ошади, уни ишлаб чиқариш кенгайди ва аста-секин бошқа мамлакатларга ҳам тарқала бошлайди. Маҳсулот стандартлашади, ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобат кураши кучаяди ва унинг экспорти ҳажми ошиб боради.

Пишиб-етилиш босқичида йирик серияли ишлаб чиқариш устувор ўринга эга бўлади, рақобат курашида нарх омили биринчи ўринга чиқади ва бозорларнинг кенгайиши ҳамда технологияларнинг тарқалишига қараб маҳсулотни яратган мамлакат рақобат афзалликларига эга бўлмай қолади. Ишлаб чиқариш аста-секин ривожланаётган мамлакатларга кўча бошлайди, чунки бу мамлакатларда арзон ишчи кучидан стандарт ишлаб чиқариш шароитида самарали фойдаланиш мумкин.

Пасайиш босқичига ўтиш даражасига қараб маҳсулотга бўлган талаб, айниқса, ривожланган мамлакатларда, пасая бошлайди, ишлаб чиқариш ҳажми қисқаради, маҳсулот ишлаб чиқариш ривожланаётган мамлакатда тўпланади ва маҳсулотни яратган мамлакат соф импортерга айланади.

Маҳсулотнинг ҳаёт цикли назарияси кўплаб таромоқлар эволюциясини ҳаққоний акс эттиради, аммо халқаро савдо ривожланиши тенденцияларини тўла изоҳлаб бера олмайди. Кўплаб товарлар (ҳаёт цикли қисқа товарлар, транспорт харажатлари юқори товарлар, тор доирадаги потенциал истеъмолчиларга мўлжалланган сифат бўйича кескин табақалашган товарлар ва бошқалар) маҳсулотнинг ҳаёт цикли назариясига мувофиқ келмайди.

Хекшер-Олин модели ва компанияларнинг ташқи савдо фаолияти назарияларини АҚШлик машҳур тадқиқотчи М.Портер бирлаштиришга ҳаракат қилди. Унинг фикрича, замонавий ташқи савдонинг ривожланиши ишлаб чиқариш омиллари, хизмат кўрсатувчи тармоқлар талаби, фирма стратегияси ва рақобат муҳитига боғлиқ. Буларнинг барчаси бир-бирига ўзаро таъсир кўрсатиб, ҳукумат сиёсати ва кутилмаган ҳодисаларни ҳисобга олган ҳолда тизимнинг унсурлари сифатида яққол кўринади.

М.Портернинг назариясига мувофиқ халқаро бозорда мамлакатлар эмас, балки фирмалар рақобатлашадилар. Шу сабабли фирма рақобат афзалликларини қандай шакллантириши ва унда мамлакатнинг ролини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Халқаро алмашувда мамлакатнинг рақобатбардошлик даражасига “рақобатбардошлик ромби” деб аталувчи тўртта бир-бирига боғлиқ омиллар таъсир кўрсатади: 1. Ишлаб чиқариш омиллари шароитлари (мамлакатда асосий ишлаб чиқариш омилларининг мавжудлиги); 2. Миқёс самарасини келтириб чиқарувчи ички талаб шароитлари; 3. Бир-бирига боғлиқ ва бир-бирини қўлловчи тармоқларнинг (кластерларнинг) мавжудлиги; 4. Фирма таркиби стратегияси ва унинг ички тармоқ рақобатидаги ўрни.

XX асрнинг 80-йиларида П. Кругман, К. Ланкастер ва бошқа бир қатор иқтисодчи-олимлар халқаро савдо назариясига муқобил назарияни таклиф этдилар. Бу назария миқёс самарасига асосланади. Бу самаранинг моҳияти шундан иборатки, муайян технология ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш шароитида узок муддатли ўртача харажатлар ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмининг ўсиши билан қисқариб боради, яъни оммавий ишлаб чиқариш натижасида иқтисод қилиш имконияти юзага келади.

Ушбу назария муаллифлари фикрича, кўплаб мамлакатлар ишлаб чиқариш омиллари билан деярли бир хил нисбатда таъминланганлар. Шу сабабли улар оммавий ишлаб чиқариш самараси мавжуд бўлган тармоқларга ихтисослашишлари мақсадга мувофиқ. Бу ҳолатда ихтисослашув ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва маҳсулотни кам харажатлар сарфлаган ҳолда ишлаб чиқариш имкониятини беради. Миқёс самараси амалга ошиши учун бозор етарли даражада катта бўлиши лозим. Бунда эса халқаро савдо катта роль ўйнайди, чунки у товарларни сотиш бозорини кенгайтириш имконини беради.

Шу билан бир қаторда миқёс самарасини амалга ошириш, одатда соф рақобат тамойилларининг бузилишига олиб келади, чунки у ишлаб чиқаришнинг концентрациялашуви ва фирмаларнинг йириклашуви билан

боғлиқ. Бу эса ўз навбатида бозор таркибининг ўзгаришига олиб келади. Натижада улар ёки олигополистик, ёки монополистик рақобатга асосланган бозорларга айланадилар.

Шундай қилиб, халқаро савдо назарияларини умумлаштириш натижалари шуни кўрсатадики, унинг моҳиятини ёритиб беришга қаратилган классик қарашлар ҳам, замонавий қарашлар ҳам ташқи савдо муносабатлари ривожланиши жараёнида вужудга келадиган барча саволларга жавоб бера олмаса-да, мамлакатларнинг жаҳон бозорида ўзига хос ўрин эгаллашларини таъминловчи афзаллик жиҳатларини аниқлашга имкон беради.

1.2. Ташқи иқтисодий фаолият ривожланишини таҳлил қилишнинг услубий масалалари

Жаҳон хўжалик тизимида глобаллашув жараёнлари чуқурлашиб бораётган шароитда ҳар қандай мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимоти имкониятларидан самарали фойдаланиши, глобаллашув жараёнларига мақсадга мувофиқ мослашиши, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш орқали аҳоли турмуш даражасини яхшилаб бориши кўп жиҳатдан экспорт ҳажмини оширишига ҳамда экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улушининг юқори бўлишига эришишига боғлиқ.

Фан-техника тараққиётининг жадаллашуви натижасида халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг доимий ва узлуксиз бўлишини таъминлади. Бу эса ташқи иқтисодий фаолиятнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ролининг ошишига олиб келди. Шу муносабат билан ташқи иқтисодий фаолият ривожланишини таҳлил қилиш, уни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш объектив заруриятга айланди. Ташқи иқтисодий алоқаларни самарали бошқариш, муҳим савдо қарорларини қабул қилиш учун ташқи иқтисодий алоқаларни, энг аввало, ташқи савдо ривожланишини ифодаловчи комплекс кўрсаткичлар зарур бўлади.

Бугунги кунда ташқи савдо ривожланишини таҳлил қилиш учун қатор кўрсаткичлардан фойдаланилади. Ташқи савдонинг географик таркиби, ташқи савдо айланмаси, экспорт квотаси, импорт квотаси, тўлов баланси, ташқи савдо баланси, ташқи савдо камомати, ташқи савдо квотаси, минтақанинг халқаро меҳнат тақсимотига қўшилиш даражаси, халқаро рақобатбардошлик индекси, динамика қаторлари ва бошқалар ана шулар жумласидандир. Мазкур кўрсаткичларнинг ҳар бири ташқи иқтисодий фаолият ривожланишининг у ёки бу жиҳатини ифодалайди.

Маълум бир давлатнинг ташқи савдо квотаси (экспорт ва импорт ярим қийматининг ЯИМ қийматига боғлиқлиги) қуйидагича аниқланади:

$$K_{\text{ташқи савдо квотаси}} = \frac{0.5 * (\mathcal{E} + I)}{\text{ЯИМ}} * 100 \%$$

Бу ерда: I – импорт қиймати;

\mathcal{E} – экспорт қиймати;

ЯИМ – ялпи ички маҳсулот ҳажми.

Бу кўрсаткич мамлакат иқтисодиётининг ташқи савдога қай даражада боғлиқлигини ифодалайди. Одатда йирик мамлакатларнинг ташқи савдо квотаси унчалик катта бўлмайди, кичик мамлакатлар эса ташқи савдога кучлироқ боғланган бўлади. Масалан, АҚШнинг ташқи савдо квотаси 2000-2010 йилларда 12-15 фоизни ташкил этган. Бу энг аввало шу билан изоҳланадики, АҚШ иқтисодиёти мажмуавий тарзда ривожланган, аҳолининг тўлов қобилияти юқори ва ички истеъмол бозори жуду йирик ҳисобланади. Қатор кичик мамлакатларда ташқи савдо квотаси 100 фоиздан кўпроқни ташкил этади (кўп ҳолларда реэкспорт ҳисобига). Бошқача қилиб айтганда ташқи савдо айланмаси ЯИМ ҳажмидан кўпроқни ташкил этади. Бундай мамлакатлар жумласига Сингапур, Нидерландия, Гонконг ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ташқи савдонинг географик таркиби - мамлакат ташқи савдосининг ҳудудлар бўйича йўналиши ёки тақсимланишидир, яъни бунда ҳам мамлакат минтақалари (ҳудудий таркиби), ҳам мамлакатнинг ташқи савдо ҳамкорлари

назарда тутилади. Шундай экан, мамлакатимиз ташқи савдосининг географик таркиби эътибор берадиган бўлсак, мустақилликни қўлга киритгач, Ўзбекистон ўзинг анъанавий ва янги экспорт товарлари билан жаҳондаги кўплаб мамлакатларнинг бозорларига чиқа бошлади. Ўз ўрнида экспортнинг географик тақсимооти қуйидагича аниқланади:

$$K_{\text{э.г.т.}} = \frac{\text{Э}_{\text{м.м.}}}{\text{Э}_{\text{ж}}}$$

Бу ерда: $K_{\text{э.г.т.}}$ – экспортнинг географик таркиби коэффиценти;

$\text{Э}_{\text{м.м.}}$ – муайян мамлакатга чиқарилган экспорт ҳажми;

$\text{Э}_{\text{ж}}$ – жами экспорт ҳажми.

Мамлакат импорти ва ташқи савдосининг географик таркиби ҳам худди шу тарзда аниқланади. Бу кўрсаткичлар мамлакатларнинг асосий савдо ҳамкорларини аниқлашда, мамлакатлар билан савдо-иқтисодий алоқалари йўналишларини белгилашда алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакат ташқи савдоси ривожланишини таҳлил қилишда минтақаларнинг жами савдо айланмаси, экспорт ва импорт таркибидаги улушини аниқлаш муҳим роль ўйнайди:

$$K_{\text{м.э.у.}} = \frac{M_{\text{э}}}{\text{Э}_{\text{ж}}}$$

Бу ерда: $K_{\text{м.э.у.}}$ – алоҳида минтақанинг жами экспортдаги улушини ифодаловчи коэффицент;

$M_{\text{э}}$ – алоҳида минтақанинг экспорт ҳажми.

Мазкур кўрсаткич алоҳида олинган минтақаларнинг жами экспортдаги, импортдаги ва ташқи савдо айланмасидаги салмоғини аниқлаш ва мамлакат экспорт салоҳиятининг минтақалар бўйича қандай тақсимланганлигига баҳо бериш имкниятини яратади.

Ташқи савдо айланмаси – мамлакатнинг барча амалга оширган экспорт ва импорт операцияларининг йиғиндисини ўзида акс эттиради. Яъни бунда унинг ҳажми (импорт учун алоҳида, экспорт учун алоҳида) ва унинг аҳоли жон бошига қанчадан тўғри келиши кўзда тутилади. Ташқи савдо

айланмаси икки усулда ҳисобланади: 1) мутлақ миқдорда; 2) нисбий миқдорда. Мамлакат жаҳон бозорида қанчалик фаол қатнашса, унинг ташқи савдо айланмаси шунчалик катта бўлади.

Экспорт квотаси – ташқи бозорда сотилган товарлардан олинган валютани шу товарларни ишлаб чиқариш, транспортга юклаш ташиш харажатларига нисбатидир. Агар товар кредитга сотилган бўлса, экспортнинг самарадорлиги пасаяди, аммо мутлақо кредитсиз товарларни ташқи бозорда сотишнинг иложи йўқ. Шундай экан, юқори экспорт квотаси миллий иқтисодиётнинг тегишли маҳсулотлар билан таъминланиши, товарларнинг ташқи бозордаги рақобатбардошлигини оширадиган энг қулай ва фойдали индикатордир. Агар бу тайёр маҳсулотларга, ишланиши юқори даражада бўладиган маҳсулотларга, юқори технологик хизматларга тегишли бўлса самара янада юқори бўлади. Умуман, ташқи савдо ривожланишини таҳлил қилишда экспорт квотаси (экспорт қийматининг ЯИМ қийматига боғлиқлиги) қуйидагича аниқланади:

$$K_э = \frac{Э}{ЯИМ} * 100 \%$$

Бу ерда: Э – экспорт қиймати. ЯИМ – ялпи ички маҳсулот қиймати.

Импорт квотаси – келтирилган товарларнинг ички шароитларга муносабати, яъни, уларни сотиб олиш ва чегарагача олиб келиш учун барча харажатларни ўзида акс эттиради. Бунда ташқи савдо камомадини аниқлаш мумкин. Яъни товар олиб келиниши (импорт) товарлар олиб чиқилиши (экспорт)дан ошиб кетса ташқи савдо камомади кузатилади. Импорт квотаси эса қуйидаги кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади:

$$K_и = \frac{И}{ЯИМ} * 100 \%$$

Бу ерда: И – импорт қиймати, ЯИМ – ялпи ички маҳсулот қиймати.

Тўлов балансини мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқаларининг бутун ҳамма соҳасини таҳлил қилиб, ҳосил қилинган интеграция кўрсаткичлари келтириб чиқаради, яъни тўлов баланси статистик ҳисобот бўлиб, у маълум муддатдаги барча савдони ва молиявий оқимларни ўзида акс эттиради. У

савдо баланси, хизматлар ва тижорат тўловлари, капитал ва кредитлар харакати, олтин валюта резервлари харакати балансларидан ташкил топади.

Ташқи савдо баланси – муайян вақт даври учун мамлакат экспорти ва импорти қийматлари ўртасидаги нисбатдир, яъни импортга ва экспортга кетадиган молиявий харажатлардан ташкил топади. Бу кўрсаткич мамлакат ташқи иқтисодий алоқаларининг муҳим белгиси бўлиб, экспорт импортдан юқори бўлганда актив ҳолатни, импорт экспортдан юқори бўлганда эса пассив ҳолатни ифодалайди. Лекин унинг ижобий ёки салбий бўлиши кўп омилларга боғлиқ.

Маълум бир мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотига кўшилиш даражаси (мамлакатнинг ташқи савдо айланмаси қийматининг ЯИМ қийматига боғлиқлиги) қуйидагича аниқланади:

$$K_{\text{ХМТ}} = \frac{\text{ташқи савдо айланмаси}}{\text{ЯИМ}} * 100 \%$$

бу ерда: ХМТ – халқаро меҳнат тақсимоти.

Маълум бир давлатнинг рақобатбардошлик индекси (давлатнинг экспорти ва импорти фарқининг ташқи савдо айланмаси қийматига боғлиқлиги) қуйидагича аниқланади:

$$K_{\text{х.р}} = \frac{\text{Э} - \text{И}}{\text{ташқи савдо айланмаси}} * 100 \%$$

бу ерда: х.р – халқаро рақобатбардошлик

Шунингдек, ташқи савдо ривожланишини таҳлил қилиш усулларида динамик қаторларга эътибор берадиган бўлсак, қуйидагича аниқланади:

1. Экспорт динамикаси:

$$K_{\text{экспорт динамикаси}} = \frac{\text{Э}_1}{\text{Э}_0} * 100 \%$$

Э₁ –жорий йил;

Э₀ –базис йил.

2. Импорт динамикаси:

$$K_{\text{импорт динамикаси}} = \frac{\text{И}_1}{\text{И}_0} * 100 \%$$

I_1 –жорий йил,

I_0 –базис йил.

3. Ташқи савдо динамикаси:

$$K_{\text{ташқи савдо динамикаси}} = \frac{TC_1}{TC_0} * 100 \%$$

Бу ерда: TC_1 – жорий йилдаги ташқи савдо айланмаси.

TC_0 – базис йилдаги ташқи савдо айланмаси.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакат экспорт ва импорт ҳажмига таъсир этувчи омилларни аниқлашда ташқи савдо ривожланишини ифодаловчи кўрсаткичларини ҳам жорий, ҳам таққослама нархларда таҳлил қилиш талаб этилади. Бу эса мамлакатга олиб кириладиган ёки мамлакатдан чиқариладиган товарларни ҳам жисмоний ҳажми ўзгаришини, ҳам нарх ўзгаришини кузатиш имконини беради.

2-БОБ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ БИЛАН САВДО-ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

2.1. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо - иқтисодий алоқалари динамикаси ва унга таъсир этувчи омиллар

Жаҳон ижтимоий-иқтисодий тараққиёти тажрибаси шундан далолат берадики, ривожланаётган давлатлар иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга эришишлари мумкин. Бунда ташқи иқтисодий сиёсат муҳим ўрин эгаллайди. Бунинг энг асосий сабаби шундан иборатки, фан-техника тараққиёти натижасида жаҳон хўжалик тизимида глобаллашув ва хўжалик фаолиятининг байналмилаллашуви жараёнлари кучаймоқда. Натижада ташқи иқтисодий фаолият миллий хўжаликнинг муҳим таркибий қисмига айланмоқда. Шундай шароитда муайян мақсадга йўналтирилган ташқи иқтисодий фаолият юритиш иқтисодий ўсишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш кўп жиҳатдан унинг жаҳон хўжалигига интеграциялашувига, экспорт салоҳиятини кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг аниқ натижаларига боғлиқ.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритгач, жаҳон хўжалик тизимида интеграциялашиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга алоҳида эътибор қарата бошлади ва бу соҳада қатор муваффақиятларга эришди. Ана шундай муваффақиятлардан бири Ўзбекистоннинг кўп томонлама халқаро иқтисодий ҳамкорлик ташкилотлари фаолиятида кенг иштирок этаётганлиги билан боғлиқ.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ республикамиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқтисодий муассасалари, Жаҳон банки, Халқаро Валюта Фонди, Халқаро Молия Корпорацияси, Халқаро Меҳнат Ташкилоти,

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти каби халқаро молиявий-иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлиб кирди.

Бундан ташқари иқтисодий ислохотларнинг дастлабки йилларида ташқи иқтисодий фаолиятнинг барча атрибутлари янгидан ташкил этилди. Хусусан, иқтисодий ислохотларнинг бошларида Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ташкил этилди ва у кейинчалик Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигига айлантирилди. Бугунги кунда эса у Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги сифатида фаолият кўрсатмоқда. Ташқи иқтисодий алоқалар Миллий Банкига асос солинди, шунингдек, бошқа ташқи иқтисодий алоқалар идоралари шакллантирилди ва фаолият кўрсатмоқда.

Мустақиллик йилларида ташқи иқтисодий фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини ташкил этиш бўйича қатор муваффақиятларга эришилганини таъкидлаш лозим. Хусусан, ислохотлар йилларида “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги (2000 йилда янги таҳрирдаги), “Ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий тамойиллари тўғрисида”ги, “Хорижий инвестициялар тўғрисида”ги “Хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш ва ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бир қатор бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ушбу қонуний ҳужжатларда ташқи иқтисодий фаолият юритишнинг асосий қоидалари ва тамойиллари, унинг субъектлари ва объектлари, шунингдек, хорижий инвестицияларни жалб этишнинг қонуний асослари, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон хўжалик тизимида ўзига хос ўрин эгаллашида, экспорт ҳажмини ошириш ва импорт таркибини такомиллаштиришда Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади, чунки кўп йиллик тарихий ривожланиш давомида Марказий Осиё давлатлари ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик муносабатлари шаклланган. Мамлакатлар иқтисодиёти асосий ва етакчи тармоқларининг ўхшашлиги, уларнинг яхлит ҳудудий бирликка эга эканлиги, сув ва энергетика манбаларининг ягоналиги ва

улардан биргаликда фойдаланиш зарурияти, ягона транспорт ва коммуникация тизимининг мавжудлиги, экологик муаммоларнинг бир хиллиги минтақа республикалари ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг доимий бўлишини таъминлайди.

Минтақа халқларининг диний, маданий, тил, урф-одат, анъана ва маънавий бирлиги эса ҳамкорлик алоқаларининг янада чуқурроқ ва ҳар томонлама бўлишига ижобий таъсир кўрсатади. Бугунги кунга келиб мустақалликни мустаҳкамлаш, иқтисодиётга бозор муносабатларини жорий қилиш ва жаҳон хўжалик тизимида ўз ўрнини эгаллаш ғоялари Марказий Осиё мамлакатларининг иқтисодий, маънавий ва интеллектуал салоҳиятларини бирлаштиришни тақозо қилмоқда.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати минтақа мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш Ўзбекистон учун қатор афзалликларга эга:

Биринчидан, республикамиз географик нуқтаи назардан анклав давлат ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, Ўзбекистондан бевосита энг арзон транспорт тури ҳисобланган денгиз йўлларига чиқиш имконияти мавжуд эмас. Бу ўз навбатида транспорт харажатлари билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқаради ҳамда маҳсулот таннархи ва унинг рақобатбардошлик даражасига салбий таъсир кўрсатади. Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш эса йирик транспорт харажатларини талаб қилмайди.

Иккинчидан, Марказий Осиё Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар учун йирик бозор ҳисобланади. Республикамизда ишлаб чиқарилаётган тайёр товарлар энергия ва материал сифимининг юқорилиги, сифат даражасининг нисбатан пастлиги уларнинг рақобатбардошлик даражасига салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли тайёр маҳсулотларни узок хориж мамлакатларига сотиш анча мураккаб. Ички бозор етарли даражада

тўйинмаган Марказий Осиё мамлакатларида эса Ўзбекистон тайёр маҳсулотлари рақобатбардош ҳисобланади.

Учинчидан, минтақа мамлакатларида бир турдаги товарларни катта миқдорда ишлаб чиқариш имкониятлари мавжуд. Пахта, мева, сабзовот, кўмир, газ, нефть, олтин минтақадаги давлатларнинг деярли барчасида ишлаб чиқарилади. Ана шу тармоқларда маҳсулот миқдори ва сифатини белгилаш бўйича келишувларга эришиш, бу маҳсулотларни қайта ишлаш ва уларни экспорт қилиш бўйича ягона сиёсатни юргизиш мақсадга мувофиқ. Агар минтақадаги республикалар жаҳон бозорига алоҳида чиқсалар, улар ўзаро рақобатчиларга айланадилар, уларнинг биргаликда чиқиши мамлакатлар иқтисодий қисмини бозор конъюнктурасига боғлиқлигини пасайтиради ва маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширади.

Тўртинчидан, Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш бошқа соҳаларда ҳам ҳамкорлик муносабатларининг фаоллашувига олиб келади. Натижада йирик маблағлар талаб этувчи улкан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун молиявий маблағларни бирлаштириш имконияти юзага келади.

Таъкидлаш жоизки, Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқалар асосан икки ёқлама келишувлар ва битимлар орқали амалга оширилмоқда (2.1-жадвал).

Жадвал маълумотлари таҳлили шундан далолат берадики, сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги савдо алоқалар сезиларли даражада ўсди. Хусусан, 2004-2010 йиллар давомида Ўзбекистоннинг минтақа мамлакатлари билан ташқи савдо айланмаси 2,6 мартага кўпайган. Шу билан бирга ташқи савдо айланмаси минтақанинг барча мамлакатлари билан бир хил суръатларда ўзгармаганлигини таъкидлаш зарур. Таҳлил қилинаётган давр мобайнида импортнинг экспортга нисбатан юқорида суръатларда ўсганлиги кузатилади: агар 2004-2010 йиллар давомида Ўзбекистондан минтақа мамлакатларига экспорт қилинган товар ва хизматлар миқдори 2,1 мартага ўсган бўлса, импорт бўйича бу кўрсаткич 3,4

мартани ташкил этган. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан ташқи савдо алоқаларидаги ижобий тенденция шундан иборатки, унда 2004 йилдан бошқа барча йилларда ижобий сальдо кузатилади.

2.1-жадвал

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё республикалари билан товар айланмаси динамикаси (млн АҚШ доллари)

| | Қозоғистон | Қирғизистон | Тожикистон | Туркменистон | Марказий Осиё бўйича жами |
|-----------------------------------|------------|-------------|------------|--------------|------------------------------|
| 2004 йил | | | | | |
| Товар айланмаси | 425,9 | 68,1 | 184,8 | 159,4 | 838,2 |
| Экспорт | 184,7 | 43,6 | 147,2 | 143,8 | 519,3 |
| Импорт | 241,2 | 24,5 | 37,6 | 15,6 | 318,9 |
| Сальдо | - 56,5 | 19,1 | 109,6 | 128,2 | 200,4 |
| 2005 йил | | | | | |
| Товар айланмаси | 516,4 | 72,0 | 155,2 | 51,7 | 795,3 |
| Экспорт | 246,9 | 45,5 | 136,7 | 38,0 | 467,2 |
| Импорт | 269,5 | 26,4 | 18,4 | 13,7 | 328 |
| Сальдо | -22,5 | 19,2 | 118,3 | 24,3 | 139,3 |
| 2006 йил | | | | | |
| Товар айланмаси | 718,6 | 111,2 | 185,9 | 47,0 | 1062,7 |
| Экспорт | 304,7 | 80,0 | 169,9 | 33,7 | 588,3 |
| Импорт | 413,9 | 31,1 | 16,0 | 13,3 | 474,3 |
| Сальдо | -109,2 | 48,9 | 153,9 | 20,4 | 114,0 |
| 2007 йил | | | | | |
| Товар айланмаси | 1193,9 | 176,8 | 207,8 | 88,3 | 1666,8 |
| Экспорт | 661,7 | 137,8 | 191,7 | 77,1 | 1068,3 |
| Импорт | 532,2 | 39,0 | 16,0 | 11,2 | 598,4 |
| Сальдо | 129,5 | 98,8 | 175,7 | 65,9 | 469,9 |
| 2008 йил | | | | | |
| Товар айланмаси | 912,5 | 264,8 | 178,0 | 132,3 | 1487,6 |
| Экспорт | 459,9 | 185,9 | 156,9 | 121,1 | 923,8 |
| Импорт | 452,6 | 78,9 | 21,1 | 11,2 | 563,8 |
| Сальдо | 7,3 | 107,0 | 135,8 | 109,9 | 360,0 |
| 2009 йил | | | | | |
| Товар айланмаси | 1307,2 | 135,85 | 106,67 | 144,62 | 1694,34 |
| Экспорт | 513,7 | 114,91 | 84,71 | 86,25 | 799,57 |
| Импорт | 793,5 | 20,94 | 21,96 | 58,37 | 894,77 |
| Сальдо | - 279,8 | 93,97 | 62,75 | 27,88 | -95,20 |
| 2010 йил | | | | | |
| Товар айланмаси | 1808,3 | 122,53 | 72,24 | 158,53 | 2161,6 |
| Экспорт | 852,1 | 84,26 | 62,95 | 87,60 | 1086,91 |
| Импорт | 956,2 | 38,27 | 9,29 | 70,93 | 1074,69 |
| Сальдо | -104,1 | 45,99 | 53,66 | 16,67 | 12,22 |
| 2010 йилда 2004 йилга нисбатан, % | | | | | |
| Товар айланмаси | 4,2 марта | 1,8 марта | 40 | 99,4 | 2,6 марта |
| Экспорт | 4,6 марта | 1,9 марта | 42,8 | 60,9 | 2,1 марта |
| Импорт | 4 марта | 1,6 марта | 24,7 | 13,0 | 3,4 марта |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Агар Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ташқи савдо алоқаларини мамлакатлар кесимида кўрадиган бўлсак, Ўзбекистоннинг

минтақа мамлакатлари билан ташқи савдо айланмасида Қозоғистон Республикаси энг катта салмоққа эга. Агар 2004 йилда Марказий Осиё мамлакатлари билан жами ташқи савдо айланмасининг 50,8 фоизи Қозоғистон Республикаси ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 83,7 фоизга тенг бўлди. Бу, энг аввало, икки мамлакат иқтисодий салоҳиятининг минтақанинг бошқа мамлакатларга нисбатан сезиларли даражада юқори эканлиги билан изоҳланади. Умуман, таҳлил қилинаётган давр мобайнида бу икки мамлакат ўртасидаги товар айланмаси ҳажми 4,2 мартага ўсган ва 2010 йилда 1808,3 млн долларни ташкил этган. Хусусан, 2004-2010 йилларда Ўзбекистондан Қозоғистонга экспорт қилинган товар ва хизматлар экспорти ҳажми 184,7 млн доллардан 852,1 млн долларгача, яъни 4,6 мартага, Қозоғистондан импорт қилинган товар ва хизматлар ҳажми эса 241,2 млн доллардан 956,2 млн долларгача, яъни 4 мартага ўсган.

Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикаси ўртасидаги савдо алоқалари тўғрисида фикр юритганда шуни алоҳида қайд этиш лозимки, сўнгги йилларда экспортга нисбатан импортнинг юқори бўлиши кузатилади (фақат 2007 ва 2008 йиллар бундан мустасно), яъни бу иккала мамлакат ўртасидаги савдо алоқаларида Ўзбекистон учун салбий сальдо шаклланган. Хусусан, 2010 йилда Қозоғистонга чиқарилган экспортга нисбатан импорт ҳажми 104,1 млн долларга кўп бўлган.

Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги савдо алоқалари динамикасини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, унда аниқ бир тенденция кузатилмайди. Агар 2004 йилдан 2008 йилгача бу икки мамлакат ўртасидаги товар айланмаси 68,1 млн доллардан 264,8 млн долларгача ўсган бўлса, кейинги йилларда муттасил пасайиб бормоқда ва 2010 йилда бу кўрсаткич 135,8 млн долларга тенг бўлди. Шунга қарамасдан, 2004 йил билан солиштирганда, Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги савдо айланмаси 2010 йилда 1,8 мартага ўсган. Айти вақтда бу даврда Ўзбекистондан экспорт қилинган товар ва хизматлар ҳажми 1,9 мартага, Қирғизистондан импорт қилинган товар ва хизматлар ҳажми 1,6 мартага ўсган. Ўзбекистоннинг

Марказий Осиё мамлакатлари билан жами товар айланмасида Қирғизистоннинг улуши 2004 йилда 8,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткич 5,7 фоизга тенг бўлди. Бу шундан далолат берадики, Ўзбекистоннинг Қирғизистон билан савдо айланмаси минтақа мамлакатлари билан жами савдо айланмасига нисбатан секинроқ суръатларда ўсган.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, республикамизнинг Тожикистон билан ташқи савдо айланмаси 2004-2010 йиллар давомида энг юқори суръатларда пасайган. Чунончи, ташқи савдо айланмаси 60 фоизга, шу жумладан, экспорт ҳажми 57,2 фоизга, импорт ҳажми 75,3 фоизга камайган. Натижада Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан жами товар айланмасида Тожикистоннинг улуши 2004 йилда 22 фоиздан 2010 йилда 3,3 фоизгача пасайган.

Ўзбекистоннинг Туркменистон билан ташқи савдо айланмаси 2004-2010 йиллар давомида деярли ўзгаришсиз қолган бўлса-да, Ўзбекистондан Туркменистонга экспорт ҳажми 39,1 фоизга камайган бўлса, Туркменистондан импорт қилинган товар ва хизматлар ҳажми 4,5 мартага кўпайган. Ўзбекистоннинг минтақа мамлакатлари билан жами товар айланмасида Туркменистоннинг улуши таҳлил қилинаётган давр мобайнида 19 фоиздан 7,3 фоизгача пасайган.

Таъкидлаш лозимки, гарчи сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ташқи савдо айланмаси ҳажми ўсиш тенденциясига эга бўлаётган бўлса-да, мамлакатлар иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқадиган бўлсак, анча паст кўрсаткич ҳисобланади.

Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги савдо алоқаларининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган қатор объектив ва субъектив омилларни ажратиш кўрсатиш мумкин. Жумладан:

- минтақа республикаларида амалга оширилаётган иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш сиёсати ривожланган мамлакатлар билан

савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришни рағбатлантирди. Бунинг асосий сабаби шундан иборатки, иқтисодиётни таркибий жихатдан қайта қуриш ва модернизациялаш янги техника ва технологияларни кенг миқёсда сотиб олишни тақозо этади. Бундай техника ва технологияларни эса фақат узоқ хориж мамлакатларидан сотиб олиш мумкин;

- минтақа мамлакатлари иқтисодиётлари таркибининг ўхшашлиги ўзаро савдо алоқалари ҳажмининг қисқаришига олиб келган сабаблардан яна биридир. Гап шундаки, минтақа мамлакатлари томонидан экспорт қилинадиган товарларнинг аксарияти (ёқилғи-энергетика ресурслари, қимматбаҳо металллар, пахта толаси ва бошқалар) барча республикаларда ишлаб чиқарилади;

- мамлакатларда амалга оширилаётган импорт ўрнини босиш сиёсати натижасида кўплаб эҳтиёжларни ички ишлаб чиқариш эвазига қоплаш имконияти пайдо бўлди. Масалан, Ўзбекистонда ғалла ва энегетика мустақиллигига эришиш дон ва ёқилғи ресурслари импортининг сезиларли даражада қисқаришига олиб келди. Бу маҳсулотларнинг аксарият қисми Марказий Осиё мамлакатларидан сотиб олинар эди;

- Марказий Осиё мамлакатларида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар стратегиясидаги тафовутлар ва ҳоказо.

Шу муносабат билан мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланиш, савдо алоқаларининг ривожланишига тўсқинлик қилаётган омилларни бартараф этиш борасида қатор ишларни амалга ошириш лозим. Шу мақсадда Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентларининг 2010 йил 16-17 мартдаги учрашувида савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш масаласига алоҳида тўхталиб ўтилди. Зеро, бундан икки томон ҳам бирдек манфаатдор.

Ўзбекистонда самолётлар, автомобиллар, автобуслар, юк ташиш машиналари, қишлоқ хўжалиги техникаси, кабеллар, қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади, пахта, пилла, мева ва полиз маҳсулотлари етиштирилади. Қозоғистонда буларнинг барчасига талаб бор. Айни пайтда Ўзбекистон бозорида ҳам Қозоғистон экспортчилари учун кенг фаолият майдони мавжуд.

Энергия манбаларини қазиб олиш, узатиш, транзит қилиш ҳам ҳамкорлик учун яхши соҳадир. 2009 йилда Туркменистон, Ўзбекистон, Қозоғистон орқали Хитойга табиий газ етказиб берадиган қувур ишга тушди.

Бу кўп томонлама ҳамкорлик муваффақиятига ёрқин мисолдир. Мамлакатларимиз ёқилғи манбаларининг йирик захираларига эга ва бу соҳадаги алоқаларни ривожлантириш учун икки томонда ҳам имконият етарли. Икки мамлакатнинг транспорт тармоқлари халқаро транзитдан келадиган даромадни кўпайтириш имконини беради.

Автомобил ва темир йўлларимиздан бир-бирига боғланган ягона умумий тизим сифатида фойдаланишни такомиллаштириш, экспорт-импорт ва транзит юкларнинг эркин ва янада тезкор ҳаракати учун шароит яратиш борасидаги ишларни изчиллик билан мувофиқлаштирилган асосда давом эттириш мақсадга мувофиқдир.

Уларни ҳаётга тўла татбиқ этиш орқали товар айирбошлаш кўрсаткичини бир неча ҳисса орттириш мумкин. Шунингдек, ишбилармонлар, ишлаб чиқариш корхоналари, вилоятлар ўртасида бевосита ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш зарур.

Икки мамлакатнинг иқтисодий, илмий-техникавий ва интеллектуал салоҳияти биргаликда юқори технологияли корхоналарни ташкил қилиш, юксак даражадаги қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун яхши замин бўлади. Ўзбекистонда ҳам, Қозоғистонда ҳам катта миқдорда хом ашё мавжудлигини инобатга олиб айтиш мумкинки, айниқса, тўқимачилик, кимё, нефт кимёси каби соҳаларда қўшимча қийматни ошириш учун яхши ресурслар бор.

Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг илмий ва иқтисодий салоҳияти сув захираларидан унумли фойдаланиш борасида ҳам яхши имкониятлар очади. Хусусан, мелиорация ва ирригация йўналишидаги алоқалар муҳим. Сув тежайдиган технологияларни ишлаб чиқиш, ўзлаштириш, бу борада тажриба ва ахборот алмашиш долзарб масаладир.

Таъкидлаш лозимки, савдо алоқалари минтақада интеграцион алоқалар ривожланиши учун асос бўлиб ҳисобланади. Савдо алоқаларининг ривожланиши эса Марказий Осиёда босқичма-босқич эркин савдо зоналари, божхона иттифоқи, умумий бозор ва ягона иқтисодий ҳудуд шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Минтақада иқтисодий интеграция жараёнларининг фаоллашуви ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қуйидаги йўналишларда таъсир кўрсатади:

- минтақада интеграция жараёнларининг чуқурлашуви натижасида энг аввало миллий хўжаликларнинг тармоқ таркиби такомиллашади, чунки иқтисодий ҳудуд доирасида моддий ишлаб чиқаришнинг самарали тармоқларини танлаш ва капитал қўйилмаларни иқтисод қилган ҳолда импорт қилиш мақсадга мувофиқ бўлган маҳсулотлар бўйича ишлаб чиқариш кувватларини кенгайтиришдан воз кечиш имконияти пайдо бўлади;

- минтақавий интеграцион ташкилотга аъзо бўлиб кирган ҳар бир мамлакатда замонавий ихтисослашган ишлаб чиқариш тармоқлари шаклланади. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш харажатлари пасаяди, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг техник даражаси ва сифати яхшиланади;

- фан ва техника соҳасида ягона сиёсат юритиш ва интеграциянинг чуқурлашуви натижасида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва унинг натижаларини амалиётга жорий қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратилади;

- минтақа доирасида товарлар умумий бозорининг шаклланиши натижасида ўзаро товар алмашинув ҳажми ошади. Йирик миқдорда ишлаб чиқариладиган товарлар бўйича ягона экспорт сиёсати юритиш натижасида эса уларнинг жаҳон бозоридаги мавқеи яхшиланади, жаҳон бозори конъюнктурасидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш учун имконият пайдо бўлади;

- Марказий Осиё бўйича хизматлар умумий бозорининг шаклланиши горизонтал иқтисодий алоқалар ривожланишини таъминлайди, кўшма

корхоналар, бирлашмалар, фирмалар тузиш имконияти яхшиланади. Натижада янги самарали хўжалик алоқалари вужудга келади ва ривожланади;

- меҳнат ресурслари умумий бозорининг шаклланиши натижасида мамлакатлараро ишчи кучи ҳаракати фаоллашади, кадрлар тайёрлаш ва улардан фойдаланиш самарадорлиги ошади, бандлик таркиби такомиллашади.

2.2. Ўзбекистоннинг минтақа мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқалари таркиби ва уни такомиллаштириш йўналишлари

Юқорида таъкидлаганимиздек, Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириши қатор афзалликларга эга. Шунга қарамасдан, Ўзбекистоннинг минтақа мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқалари талаб даражасидан анча паст. Республикаимизнинг минтақа мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларини мақсадга мувофиқ ривожлантириши унинг товар таркибини такомиллаштириш билан яқиндан боғлиқ.

Маълумки, ўзининг табиий-иқтисодий ва молиявий салоҳияти нуқтаи назаридан Қозоғистон Республикаси Марказий Осиё мамлакатлари орасида алоҳида ўринга эга. Шу нуқтаи назаридан ушбу мамлакат билан савдо-иқтисодий алоқаларни юқори даражада ривожлантириш ҳар икки мамлакат учун ҳам манфаатли ҳисобланади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистоннинг Қозоғистон Республикасига экспортида энергия ташувчилар асосий ўринни эгаллайди (2.2-жадвал).

Гарчи 2005-2010 йиллар давомида Ўзбекистоннинг Қозоғистонга энергия ташувчилар экспорти 122,7 млн доллардан 439,9 млн долларгача ўсган бўлса-да, унинг жами экспортдаги улуши деярли ўзгаришсиз сақланиб

колган ва 54 фоиздан зиёдрокни ташкил этган. Ваҳоланки, 2009 йилда жами экспортнинг 3/4 қисми айнан шу товарга тўғри келган эди.

2.2-жадвал

Ўзбекистоннинг Қозоғистон Республикасига экспортнинг товар таркиби (фоиз ҳисобида)

| | 2005 | | 2006 | | 2007 | | 2008 | | 2009 | | 2010 | |
|---|----------|------|----------|------|----------|------|----------|------|----------|------|----------|------|
| | Млн. дол | % | Млн. дол | % | Млн. дол | % | Млн. дол | % | Млн. дол | % | Млн. дол | % |
| Жами | 224,8 | 100 | 277,9 | 100 | 621,1 | 100 | 392,3 | 100 | 478,6 | 100 | 811,6 | 100 |
| Энергия ташувчилар | 122,7 | 54,6 | 113 | 40,7 | 281,2 | 45,3 | 133,7 | 34,1 | 359,9 | 75,2 | 439,9 | 54,2 |
| Озиқ-овқат маҳсулотлари | 2,72 | 1,2 | 5,06 | 1,8 | 8,45 | 1,4 | 7,38 | 1,9 | 8,45 | 1,8 | 201,7 | 24,8 |
| Қурилиш материаллари | 11,67 | 5,2 | 24,67 | 8,9 | 95,41 | 15,4 | 73,7 | 18,8 | 22,08 | 4,6 | 28,22 | 3,5 |
| Ўғит | 3,44 | 1,5 | 4,38 | 1,6 | 13,26 | 2,1 | 29,61 | 7,5 | 10,36 | 2,2 | 23,28 | 2,9 |
| Машина ва асбоб-ускуналар | 12,42 | 5,5 | 27,31 | 9,8 | 35,98 | 5,8 | 8,60 | 2,2 | 9,02 | 1,9 | 22,98 | 2,8 |
| Қора металл | 29,18 | 13,0 | 36,26 | 13 | 75,54 | 12,2 | 77,45 | 19,7 | 14,15 | 3 | 14,21 | 1,7 |
| Кимё маҳсулотлари, пластмасса ва пластмасса буюмлар | 7,37 | 3,3 | 10,17 | 3,7 | 12,34 | 2 | 10,17 | 2,6 | 14,36 | 3,8 | 21,2 | 2,6 |
| Бошқалар | 35,3 | 15,7 | 57,05 | 20,5 | 98,92 | 15,9 | 51,69 | 13,2 | 40,28 | 8,4 | 60,11 | 7,4 |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Маълумки, Ўзбекистонда ҳар йили 5 млн. тоннадан ортиқроқ мева ва сабзавотлар ишлаб чиқарилади ва унинг атиги 10 фоизи ички истеъмолга сарфланади, холос. Қолган қисмини хорижий мамлакатларга, энг аввало, кўшни мамлакатлар, хусусан, Қозоғистон Республикасига экспорт қилиш имконияти мавжуд. Шунга қарамасдан озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти жами экспортнинг жуда кичик салмоғини ташкил этади. 2005-2009 йилларда жами экспортнинг 1,2-1,9 фоизигина озиқ-овқат маҳсулотлари ҳиссасига тўғри келган. Фақат 2010 йилга келиб вазият сезиларли даражада яхшиланди. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан ҳўл меваларни экспорт қилиш борасида амалга оширилган чоралар натижасида 2010 йилда Қозоғистонга 201,7 млн долларлик, ёки жами экспортнинг 24,8 фоизи миқдорида озиқ-овқат маҳсулотлари экспорт қилинди.

Гарчи сўнгги йилларда республикамызда иқтисодийни модернизациялаш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар натижасида кўшилган қиймат даражаси юқори маҳсулотлар ишлаб чиқариш даражаси сезиларли даражада ўсган бўлса-да, Қозоғистонга чиқарилаётган экспорт товарлари таркибида тайёр маҳсулотлар улуши жуда паст салмоқни ташкил этади. Агар 2005 йилда Қозоғистонга чиқарилган товарлар экспортида машина ва асбоб-ускуналарнинг улуши 5,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткич қарийб 2 баробарга қисқарди ва 2,8 фоизни ташкил этди, холос.

Юқоридаги таҳлил натижаларидан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятидан етарли даражада фойдаланилмапти. Бу эса Қозоғистон Республикасига чиқариладиган экспорт товарлари таркибини такомиллаштириш бўйича қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқишни талаб этади.

2.3-жадвал

Ўзбекистонга Қозоғистон Республикасидан импорт қилинаётган товарлар таркиби (фоиз ҳисобида)

| | 2005 | | 2006 | | 2007 | | 2008 | | 2009 | | 2010 | |
|--------------------------------------|----------|------|----------|------|----------|------|----------|------|----------|------|----------|------|
| | Млн. дол | % | Млн. дол | % | Млн. дол | % | Млн. дол | % | Млн. дол | % | Млн. дол | % |
| Жами | 250,7 | 100 | 409,6 | 100 | 712,2 | 100 | 1199,4 | 100 | 775,3 | 100 | 935,4 | 100 |
| Энергия ташувчилар | 83,13 | 33,2 | 173 | 42,2 | 201,2 | 28,2 | 351,25 | 29,3 | 252,9 | 32,6 | 346,8 | 37,1 |
| Озиқ-овақт маҳсулотлари | 76,63 | 30,6 | 90,74 | 22,2 | 185,3 | 26 | 355,35 | 29,6 | 291,9 | 37,6 | 317,9 | 34 |
| Қора металл | 39,86 | 15,9 | 95,63 | 23,3 | 228,6 | 32,1 | 203,83 | 17 | 114,6 | 14,8 | 196,1 | 21 |
| Қурилиш материаллари | 16,35 | 6,5 | 17,41 | 4,2 | 24,03 | 3,4 | 28,37 | 2,4 | 33,85 | 4,4 | 25,39 | 2,7 |
| Пластмасса ва пластмасса маҳсулотлар | 1,23 | 0,5 | 2,63 | 0,6 | 3,55 | 0,5 | 5,48 | 0,5 | 5,51 | 0,7 | 7,01 | 0,7 |
| Машина ва асбоб-ускуналар | 2,65 | 1,1 | 5,84 | 1,4 | 3,2 | 0,4 | 12,4 | 1,0 | 19,93 | 2,6 | 6,55 | 0,7 |
| Бошқалар | 30,85 | 12,3 | 24,35 | 5,9 | 66,32 | 9,3 | 242,72 | 20,2 | 56,61 | 7,3 | 35,65 | 3,8 |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Қозоғистондан импорт қилинадиган товарларнинг асосий қисмини энергия ташувчилар ва озиқ-овақат маҳсулотлари ташкил этади. Агар 2005 йилда Қозоғистондан жами

импортнинг 33,2 фоизи энергия ташувчилар ҳисобига тўғри келган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткич 37,1 фоизгача ўсди. Озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳам жами импортдаги салмоғи таҳлил қилинаётган давр мобайнида 30,6 фоиздан 34 фоизгача ўсди. Қозоғистон Республикасидан импорт қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотларининг катта қисми ун ва ун маҳсулотлари ҳиссасига тўғри келади.

Маълумки, Ўзбекистон рангли металллар захираларига бой бўлса-да, қора металллар захиралари деярли йўқ. Шу сабабли республикада Қозоғистондан катта миқдорда қора металллар импорт қилади. Агар 2005 йилда 39,86 млн долларлик ёки жами импортнинг 15,9 фоизи миқдорида қора металллар импорт қилинган бўлса, 2010 йилга келиб 196,1 млн долларлик ёки жами импортнинг 1/5 қисми миқдорида қора металллар сотиб олинган.

Қозоғистондан импорт қилинадиган тайёр маҳсулотлар катта салмоқни ташкил этмайди. Бошқача қилиб айтганда Ўзбекистон ва Қозоғистон республикалари ўртасидаги ташқи савдо айланмасида тайёр маҳсулотлар улуши сезиларсиз. Бу эса ҳар иккала мамлакатда иқтисодий таркибий жиҳатдан қайта қуриш, экспорт таркибида қўшилган қиймат даражаси юқори товарлар улушини ошириш борасида ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар доирасининг кенглигини кўрсатади.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатларига чиқараётган экспорт товарлари номенклатурасининг ниҳоятда тор эканлигини таъкидлаш зарур. Экспорт товарларининг асосини эса ҳам ашё маҳсулотлари ташкил этади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистондан Қирғизистон Республикасига чиқарилаётган товарларнинг асосий қисмини энергия ташувчилар ва минерал ўғитлар ташкил этади (2.4-жадвал). Агар бу икки товарнинг жами экспортдаги улуши 2005 йилда 51,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб у 81,3 фоизга етди. Бу шундан далолат берадики, бу икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ишлар кўлами ниҳоятда кенг.

Ўзбекистоннинг Қирғизистон Республикасига экспортининг товар таркиби (фоиз ҳисобида)

| | 2005 | | 2006 | | 2007 | | 2008 | | 2009 | | 2010 | |
|---|-----------|------|-----------|------|-----------|------|-----------|------|-----------|------|-----------|------|
| | Млн. дол. | % | Млн. дол. | % | Млн. дол. | % | Млн. дол. | % | Млн. дол. | % | Млн. дол. | % |
| Жами | 36,2 | 100 | 66,1 | 100 | 121 | 100 | 161,4 | 100 | 114,9 | 100 | 84,3 | 100 |
| Энергия ташувчилар | 9,92 | 27,4 | 45 | 68,1 | 79 | 65,3 | 116,3 | 72,1 | 77,3 | 67,3 | 49,5 | 58,7 |
| Ўғитлар | 8,72 | 24,1 | 7,07 | 10,7 | 18,22 | 15,1 | 19,75 | 12,2 | 10,26 | 8,9 | 19,08 | 22,6 |
| Тамаки ва тамакини ўрнини босувчи маҳсулотлар | 0,7 | 1,9 | 0,53 | 0,8 | 0,2 | 0,2 | 0,02 | 0,01 | 0,53 | 0,5 | 1,81 | 2,1 |
| Мис ва мис маҳсулотлари | 0,12 | 0,3 | 0,14 | 0,2 | 0,12 | 0,1 | 0,13 | 0,01 | 0,12 | 0,1 | 1,56 | 1,8 |
| Пластмасса ва пластмасса маҳсулотлари | 0,00 | 0,00 | 0,07 | 0,1 | 0,04 | 0,01 | 0,33 | 0,02 | 1,08 | 0,9 | 1,45 | 1,7 |
| Қурилиш материаллари | 3,79 | 10,5 | 5,24 | 7,9 | 10,05 | 8,3 | 11,43 | 7,1 | 15,7 | 13,7 | 1,32 | 1,2 |
| Пахта ва пахта маҳсулотлари | 0,00 | 0,00 | 0,2 | 0,3 | 0,64 | 0,5 | 1,4 | 0,9 | 1,09 | 0,9 | 1,2 | 1,4 |
| Ноорганик кимёвий моддалар | 0,09 | 0,2 | 0,15 | 0,2 | 0,17 | 0,1 | 0,91 | 0,6 | 1,32 | 1,1 | 1,06 | 1,2 |
| Алкогол ва алкогольсиз ичимликлар, уксус | 1,2 | 3,3 | 1,16 | 1,7 | 0,94 | 0,8 | 1,21 | 0,7 | 0,65 | 0,6 | 0,78 | 0,9 |
| Бошқалар | 11,66 | 32,2 | 6,54 | 9,9 | 11,62 | 9,6 | 9,92 | 6,1 | 6,85 | 6,0 | 6,54 | 7,8 |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Ўзбекистондан Қирғизистон Республикасига, шунингдек, тамаки ва тамаки маҳсулотлари, мис ва мис маҳсулотлари, пластмасса ва пластмасса маҳсулотлари, қурилиш материаллари, пахта ва пахтадан тайёрланган маҳсулотлар, кимёвий моддалар ҳамда алкоголь ва алкогольсиз ичимликлар экспорт қилинади.

Кўришиб турибдики, Ўзбекистон ва Қирғизистон республикалари ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар ҳажм нуқтаи назардан ҳам, товар таркиби нуқтаи назардан ҳам талабга жавоб бермайди. Бу икки мамлакат ўртасидаги савдо алоқаларининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган омиллардан бири қўшни мамлакатда сиёсий барқарорликнинг мавжуд эмаслиги ҳисобланади. Айтиш мумкин, вақтда иқтисодиёт тармоқ таркибининг

такомиллашмаганлиги ва унда қишлоқ хўжалигининг асосий ўринга эга эканлиги ҳам ташқи савдо айланмасига салбий таъсир кўрсатади.

Қирғизистондан Ўзбекистонга импорт қилинаётган товарларнинг бирмунча диверсификациялашганлигини ва унда тайёр маҳсулотлар улуши юқорилигини кўрамиз, аммо Ўзбекистонга Қирғизистондан импорт асосида олиб келинаётган товарлар қиймати жуда кичиклигини таъкидлаш лозим.

2.5-жадвал

Ўзбекистонга Қирғизистон Республикасидан импорт қилинаётган товарлар таркиби (фоиз ҳисобида)

| | 2005 | | 2006 | | 2007 | | 2008 | | 2009 | | 2010 | |
|------------------------------------|---------|------|----------|------|----------|------|----------|------|----------|------|----------|------|
| | Млн дол | % | Млн. дол | % | Млн. дол | % | Млн. дол | % | Млн. дол | % | Млн. дол | % |
| Жами | 22 | 100 | 29,0 | 100 | 42,36 | 100 | 76,18 | 100 | 20,94 | 100 | 38,27 | 100 |
| Қора металл | 8,93 | 40,6 | 12,8 | 44,1 | 13,1 | 30,9 | 15,31 | 20,1 | 3,5 | 16,7 | 18,45 | 48,2 |
| Қурилиш материаллари | 2,98 | 13,5 | 3,8 | 13,1 | 4,39 | 10,4 | 4,15 | 5,4 | 6,15 | 29,4 | 7,41 | 19,4 |
| Маиший техника ускуналари | 3,41 | 15,5 | 3,08 | 10,6 | 4,51 | 10,6 | 5,89 | 7,7 | 4,89 | 23,3 | 5,84 | 15,2 |
| Машина ва асбоб-ускуналар | 4,21 | 19,1 | 7,4 | 25,5 | 7,78 | 18,4 | 3,7 | 4,8 | 1,34 | 6,4 | 3,15 | 8,2 |
| Энергия ташувчилар | 0,01 | 0,04 | 0,14 | 0,5 | 9,73 | 23 | 45,19 | 59,3 | 3,77 | 18 | 1,46 | 3,8 |
| Шакар ва кондитер маҳсулотлари | 0,00 | 0,0 | 0,05 | 0,2 | 0,17 | 0,4 | 0,13 | 0,2 | 0,00 | 0,0 | 0,43 | 1,1 |
| Санаот ва тиббиёт учун ўсимликлар | 0,08 | 0,4 | 0,06 | 0,2 | 0,11 | 0,2 | 0,08 | 0,1 | 0,09 | 0,4 | 0,36 | 0,9 |
| Бўёқли экстрактлар; бўёқ ва лаклар | 0,15 | 0,7 | 0,06 | 0,2 | 0,34 | 0,8 | 0,02 | 0,02 | 0,24 | 1,1 | 0,16 | 0,4 |
| Чикинди металлом маҳсулотлари | 0,00 | 0,0 | 0,01 | 0,03 | 0,01 | 0,02 | 0,00 | 0,0 | 0,1 | 0,5 | 0,15 | 0,4 |
| Бошқалар | 2,23 | 10,1 | 1,6 | 5,5 | 2,22 | 5,2 | 1,71 | 2,2 | 0,86 | 4,1 | 0,86 | 2,2 |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Таҳлиллар шундан далолат берадики, Қирғизистондан импорт қилинаётган товарлар орасида қора металллар энг катта улушга эга ва унинг 2005 йилдаги салмоғи 40,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда жами импортнинг қарийб ярми қора металллар улушига тўғри келган. Кейинги йилларда Қирғизистондан импорт қилинаётган товарлар орасида қурилиш

моллари ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Хусусан, 2010 йилда жами импортнинг 19,4 фоизи қурилиш моллари ҳиссасига тўғри келган.

Шунингдек Қирғизистондан маиший техника ускуналари, машина ва асбоб-ускуналар, энергия ташувчилар, шакар ва кондитер маҳсулотлари импорт қилинмоқда.

Ўзбекистондан Тожикистонга экспорт қилинаётган товарлар бир томонламалиги ва унда энергия ташувчиларнинг жуда катта ўринга эга эканлиги билан тавсифланади (9-илова). Хусусан, 2010 йилда Ўзбекистондан Тожикистонга экспорт қилинган товарларнинг 95 фоизини энергия ташувчилар ташкил қилди. Тожикистондан импорт қилинадиган товарлар ҳам бир томонлама характерга эга ва унда алюминий ва алюминий маҳсулотлари мутлақ катта улушга эга (11-илова). Чунончи, 2010 йилда Тожикистондан импорт қилинган товарларнинг 80 фоизи алюминий ва алюминий маҳсулотлари ҳиссасига тўғри келди. Шунингдек, Тожикистондан импорт қилинаётган товарларнинг 18 фоизини қурилиш материаллари ташкил этади.

Тожикистондан фарқли ўлароқ, Ўзбекистондан Туркманистонга экспорт қилинадиган товарлар таркиби анча диверсификациялашган (10-илова). Ўзбекистондан Туркманистонга қурилиш материаллари, тамаки ва тамаки маҳсулотлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, машина ва асбоб-ускуналар, ўғит, алюминий ва алюминий маҳсулотлари ва бошқа товарлар экспорт қилинади.

Айни вақтда Туркманистондан Ўзбекистонга импорт асосида олиб келинадиган товарлар номенклатураси анча тор (12-илова). Туркманистондан импорт қилинадиган товарларнинг 99 фоизини энергия ташувчилар, ўсимлик ва ҳайвон ёғи ҳамда пластмасса ва пластмасса маҳсулотлар ташкил этади.

Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ташқи савдо алоқаларининг товар таркибини таҳлил қилиш натижалари бир қатор муҳим хулосаларга келиш имконини беради:

Биринчидан, Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ташқи савдо алоқаларида ҳам ашё маҳсулотлари устувор ўринга эга. Бундай ҳолат бир қатор салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Хусусан:

- ҳам ашё маҳсулотлари қийматида тайёр маҳсулотларга нисбатан кўшилган қиймат салмоғи паст бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, барқарор иқтисодий ўсиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашни таъминлашга иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқарилаётган ва экспорт қилинаётган товарлар таркибида тайёр маҳсулотлар улушини ошириш орқалигина эришиш мумкин;

- жаҳон ҳам ашё маҳсулотлари бозори конъюнктураси тайёр маҳсулотлар бозоридан фарқли ўлароқ нобарқарор ва унда тебранишлар даражаси юқори ҳисобланади. Бунинг энг асосий сабаби шундаки, ҳам ашё маҳсулотларининг нарх ва даромадлар бўйича талаб эластиклиги паст. Шу сабабли бу ҳолат макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш суръатларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Иккинчидан, жаҳон амалиётида бир минтақада жойлашган мамлакатлар ўзаро савдосининг улуши ўсиш тенденциясига эга бўлса, Марказий Осиёда бунга акс тенденция кузатилади. Бу шундан далолат берадики, Марказий Осиё мамлакатларининг иқтисодиёт таркиби ҳали етарли даражада такомиллашмаган. Шу муносабат билан кўшилган қиймат даражаси юқори тайёр маҳсулотлар устувор ўринга экспорт таркибини шакллантириш минтақадаги барча мамлакатлар олдида турган долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

- Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатларининг қўшни ҳудудларида чегара савдосини ривожлантириш;

- минтақада мавжуд минерал хом ашё ресурслари ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш бўйича келишувларга эришиш;

- ташқи бозорларга чиқиш имконини берадиган ягона транспорт тизимини барпо этиш;

- эркин савдо худуди ва ягона иқтисодий худуд барпо этиш;

- минтақа мамлакатларида ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмаларини ривожлантириш;

- ишлаб чиқариш кооперацияларини мутаҳкамлаш ва бевосита хўжалик алоқаларини ривожлантириш;

- рақобат шароитлари ва бошқарувни такомиллаштириш ва ҳ.к.

ХУЛОСА

Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш масалаларига бағишланган битирув-малакавий иши натижаларини умумлаштириш қуйидаги хулосаларга келиш ва тавсиялар ишлаб чиқиш имконини берди:

1. Халқаро савдонинг моҳияти, ундан кутиладиган моддий фаровонлик масалаларини ёритиб беришга бўлган интилиш узок тарихий даврни босиб ўтган. Меркантилистлар, кейинчалик буюк инглиз олимлари А.Смит, Д.Рикардо, Дж.Стюарт Милль, швед олими Э.Хекшер ва унинг шогирди даниялик Б.Олин, америкалик иқтисодчилар В.Леонтьев, П.Самуэльсон, В.Столпер, С.Линдерт, Ч.Киндельбергер, Р.Вернон, Л.Уэльс, М.Портер, П.Кругман, К.Ланкастер ва бошқа бир қатор иқтисодчи-олимлар халқаро савдо назариясини бойитишга ўзларининг улкан хиссаларини қўшдилар. Ушбу халқаро савдо назарияларини умумлаштириш натижалари шуни кўрсатадики, унинг моҳиятини ёритиб беришга қаратилган классик қарашлар ҳам, замонавий қарашлар ҳам ташқи савдо муносабатлари ривожланиши жараёнида вужудга келадиган барча саволларга жавоб бера олмаса-да, мамлакатларнинг жаҳон бозорида ўзига хос ўрин эгаллашларини таъминловчи афзаллик жиҳатларини аниқлашга имкон беради.

2. Фан-техника тараққиётининг жадаллашуви натижасида халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг доимий ва узлуксиз бўлишини таъминлади. Бу эса ташқи иқтисодий фаолиятнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ролининг ошишига олиб келди. Шу муносабат билан ташқи иқтисодий фаолият ривожланишини таҳлил қилиш, уни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш объектив заруриятга айланди. Ташқи иқтисодий алоқаларни самарали бошқариш, муҳим савдо қарорларини қабул қилиш учун ташқи иқтисодий алоқаларни, энг аввало, ташқи савдо ривожланишини ифодаловчи комплекс кўрсаткичлар зарур бўлади. Бундай кўрсаткичлар жумласига ташқи савдонинг географик таркиби, ташқи савдо айланмаси,

экспорт квотаси, импорт квотаси, тўлов баланси, ташқи савдо баланси, ташқи савдо камомоди, ташқи савдо квотаси, минтақанинг халқаро меҳнат тақсимотига қўшилиш даражаси, халқаро рақобатбардошлик индекси, динамика қаторлари ва бошқалар киради.

3. Ўзбекистон Республикасининг жаҳон хўжалик тизимида ўзига хос ўрин эгаллашида, экспорт ҳажмини ошириш ва импорт таркибини такомиллаштиришда Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади. Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш Ўзбекистон учун қатор афзалликларга эга:

Биринчидан, республикамиз географик нуқтаи назардан анклав давлат ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, Ўзбекистондан бевосита энг арзон транспорт тури ҳисобланган денгиз йўлларига чиқиш имконияти мавжуд эмас. Бу ўз навбатида транспорт харажатлари билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқаради ҳамда маҳсулот таннархи ва унинг рақобатбардошлик даражасига салбий таъсир кўрсатади. Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш эса йирик транспорт харажатларини талаб қилмайди.

Иккинчидан, Марказий Осиё Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар учун йирик бозор ҳисобланади. Республикамизда ишлаб чиқарилаётган тайёр товарлар энергия ва материал сиғимининг юқорилиги, сифат даражасининг нисбатан пастлиги уларнинг рақобатбардошлик даражасига салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли тайёр маҳсулотларни узок хориж мамлакатларига сотиш анча мураккаб. Ички бозор етарли даражада тўйинмаган Марказий Осиё мамлакатларида эса Ўзбекистон тайёр маҳсулотлари рақобатбардош ҳисобланади.

Учинчидан, минтақа мамлакатларида бир турдаги товарларни катта миқдорда ишлаб чиқариш имкониятлари мавжуд. Пахта, мева, сабзавот, кўмир, газ, нефть, олтин минтақадаги давлатларнинг деярли барчасида ишлаб чиқарилади. Ана шу тармоқларда маҳсулот миқдори ва сифатини белгилаш

бўйича келишувларга эришиш, бу маҳсулотларни қайта ишлаш ва уларни экспорт қилиш бўйича ягона сиёсатни юргизиш мақсадга мувофиқ. Агар минтақадаги республикалар жаҳон бозорига алоҳида чиқсалар, улар ўзаро рақобатчиларга айланадилар, уларнинг биргаликда чиқиши мамлакатлар иқтисодиётини бозор конъюнктурасига боғлиқлигини пасайтиради ва маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширади.

Тўртинчидан, Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш бошқа соҳаларда ҳам ҳамкорлик муносабатларининг фаоллашувига олиб келади. Натижада йирик маблағлар талаб этувчи улкан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун молиявий маблағларни бирлаштириш имконияти юзага келади.

4. Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги савдо алоқалар сезиларли даражада ўсди. Хусусан, 2004-2010 йиллар давомида Ўзбекистоннинг минтақа мамлакатлари билан ташқи савдо айланмаси 2,6 мартага кўпайган. Таҳлил қилинаётган давр мобайнида импортнинг экспортга нисбатан юқорироқ суръатларда ўсганлиги кузатилади: агар 2004-2010 йиллар давомида Ўзбекистондан минтақа мамлакатларига экспорт қилинган товар ва хизматлар миқдори 2,1 мартага ўсган бўлса, импорт бўйича бу кўрсаткич 3,4 мартани ташкил этган. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан ташқи савдо алоқаларидаги ижобий тенденция шундан иборатки, унда 2004 йилдан бошқа барча йилларда ижобий сальдо кузатилади.

5. Агар Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ташқи савдо алоқаларини мамлакатлар кесимида кўрадиган бўлсак, Ўзбекистоннинг минтақа мамлакатлари билан ташқи савдо айланмасида Қозоғистон Республикаси энг катта салмоққа эга. Агар 2004 йилда Марказий Осиё мамлакатлари билан жами ташқи савдо айланмасининг 50,8 фоизи Қозоғистон Республикаси ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 83,7 фоизга тенг бўлди. Умуман, таҳлил қилинаётган давр мобайнида бу икки мамлакат ўртасидаги товар айланмаси ҳажми 4,2 мартага

ўсган ва 2010 йилда 1808,3 млн долларни ташкил этган. Хусусан, 2004-2010 йилларда Ўзбекистондан Қозоғистонга экспорт қилинган товар ва хизматлар экспорти ҳажми 184,7 млн доллардан 852,1 млн долларгача, яъни 4,6 мартага, Қозоғистондан импорт қилинган товар ва хизматлар ҳажми эса 241,2 млн доллардан 956,2 млн долларгача, яъни 4 мартага ўсган.

6. Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги савдо алоқаларининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган қатор объектив ва субъектив омилларни ажратиш кўрсатиш мумкин. Жумладан:

- минтақа республикаларида амалга оширилаётган иқтисодий таркибий жиҳатдан қайта қуриш сиёсати ривожланган мамлакатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришни рағбатлантирди. Бунинг асосий сабаби шундан иборатки, иқтисодий таркибий жиҳатдан қайта қуриш ва модернизациялаш янги техника ва технологияларни кенг миқёсда сотиб олишни тақозо этади. Бундай техника ва технологияларни эса фақат узоқ хориж мамлакатларидан сотиб олиш мумкин;

- минтақа мамлакатлари иқтисодий таркибининг ўхшашлиги ўзаро савдо алоқалари ҳажмининг қисқаришига олиб келган сабаблардан яна биридир. Гап шундаки, минтақа мамлакатлари томонидан экспорт қилинадиган товарларнинг аксарияти (ёқилғи-энергетика ресурслари, қимматбаҳо металллар, пахта толаси ва бошқалар) барча республикаларда ишлаб чиқарилади;

- мамлакатларда амалга оширилаётган импорт ўрнини босиш сиёсати натижасида кўплаб эҳтиёжларни ички ишлаб чиқариш эвазига қоплаш имконияти пайдо бўлди. Масалан, Ўзбекистонда ғалла ва энегетика мустақиллигига эришиш дон ва ёқилғи ресурслари импортининг сезиларли даражада қисқаришига олиб келди. Бу маҳсулотларнинг аксарият қисми Марказий Осиё мамлакатларидан сотиб олинар эди;

- Марказий Осиё мамлакатларида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар стратегиясидаги тафовутлар ва ҳоказо.

7. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистоннинг Қозоғистон Республикасига экспортида энергия ташувчилар асосий ўринни эгаллайди. Гарчи 2005-2010 йиллар давомида Ўзбекистон Қозоғистонга экспорт қилинган энергия ташувчилар қиймати 122,7 млн. доллардан 439,9 млн. долларгача ўсган бўлса-да, унинг жами экспортдаги улуши деярли ўзгаришсиз сақланиб қолган ва 54 фоиздан зиёдрокни ташкил этган.

Ўзбекистонда ҳар йили йирик миқдорда мева-сабзавотлар ишлаб чиқарилади. Шунга қарамасдан, озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти жами экспортнинг жуда кичик салмоғини ташкил этади. 2005-2009 йилларда жами экспортнинг 1,2-1,9 фоизигина озиқ овқат маҳсулотлари ҳиссасига тўғри келган. Фақат 2010 йилга келиб вазият сезиларли даражада яхшиланди. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан ҳўл меваларни экспорт қилиш борасида амалга оширилган чоралар натижасида 2010 йилда Қозоғистонга 201,7 млн долларлик, ёки жами экспортнинг 24,8 фоизи миқдорида озиқ-овқат маҳсулотлари экспорт қилинди.

8. Қозоғистондан импорт қилинадиган товарларнинг асосий қисмини энергия ташувчилар ва озиқ-овқат маҳсулотлари ташкил этади. Агар 2005 йилда Қозоғистондан жами импортнинг 33,2 фоизи энергия ташувчилар ҳисобига тўғри келган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткич 37,1 фоизгача ўсди. Озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳам жами импортдаги салмоғи таҳлил қилинаётган давр мобайнида 30,6 фоиздан 34 фоизгача ўсди. Қозоғистон Республикасидан импорт қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотларининг катта қисми ун ва ун маҳсулотлари ҳиссасига тўғри келади.

9. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистондан Қирғизистон Республикасига чиқарилаётган товарларнинг асосий қисмини энергия ташувчилар ва минерал ўғитлар ташкил этади. Агар бу икки товарнинг жами экспортдаги улуши 2005 йилда 51,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб у 81,3 фоизга етди. Бу шундан далолат берадики, бу икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ишлар кўлами ниҳоятда кенг.

10. Қирғизистондан Ўзбекистонга импорт қилинаётган товарларнинг бирмунча диверсификациялашганлигини ва унда тайёр маҳсулотлар улуши юқорилигини кўрамиз, аммо Ўзбекистонга Қирғизистондан импорт асосида олиб келинаётган товарлар қиймати жуда кичиклигини таъкидлаш лозим. Таҳлиллар шундан далолат берадики, Қирғизистондан импорт қилинаётган товарлар орасида қора металллар энг катта улушга эга ва унинг 2005 йилдаги салмоғи 40,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда жами импортнинг қарийб ярми қора металллар улушига тўғри келган. Кейинги йилларда Қирғизистондан импорт қилинаётган товарлар орасида қурилиш моллари ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Хусусан, 2010 йилда жами импортнинг 19,4 фоизи қурилиш моллари ҳиссасига тўғри келган.

11. Ўзбекистондан Тожикистонга экспорт қилинаётган товарлар бир томонламалиги ва унда энергия ташувчиларнинг жуда катта ўринга эга эканлиги билан тавсифланади. Хусусан, 2010 йилда Ўзбекистондан Тожикистонга экспорт қилинган товарларнинг 95 фоизини энергия ташувчилар ташкил қилди. Тожикистондан импорт қилинадиган товарлар ҳам бир томонлама характерга эга ва унда алюминий ва алюминий маҳсулотлари мутлақ катта улушга эга. Чунончи, 2010 йилда Тожикистондан импорт қилинган товарларнинг 80 фоизи алюминий ва алюминий маҳсулотлари ҳиссасига тўғри келди. Шунингдек, Тожикистондан импорт қилинаётган товарларнинг 18 фоизини қурилиш материаллари ташкил этади.

12. Тожикистондан фарқли ўлароқ, Ўзбекистондан Туркманистонга экспорт қилинадиган товарлар таркиби анча диверсификациялашган. Ўзбекистондан Туркманистонга қурилиш материаллари, тамаки ва тамаки маҳсулотлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, машина ва асбоб-ускуналар, ўғит, алюминий ва алюминий маҳсулотлари ва бошқа товарлар экспорт қилинади. Айни вақтда Туркманистондан Ўзбекистонга импорт асосида олиб келинадиган товарлар номенклатураси анча тор. Туркманистондан импорт қилинадиган товарларнинг 99 фоизини энергия ташувчилар, ўсимлик ва ҳайвон ёғи ҳамда пластмасса ва пластмасса маҳсулотлар ташкил этади.

13. Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

- Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатларининг қўшни ҳудудларида чегара савдосини ривожлантириш;

- минтақада мавжуд минерал хом ашё ресурслари ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш бўйича келишувларга эришиш;

- ташқи бозорларга чиқиш имконини берадиган ягона транспорт тизимини барпо этиш;

- эркин савдо ҳудуди ва ягона иқтисодий ҳудуд барпо этиш;

- минтақа мамлакатларида ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмаларини ривожлантириш;

- ишлаб чиқариш кооперацияларини мутаҳкамлаш ва бевосита хўжалик алоқаларини ривожлантириш;

- рақобат шароитлари ва бошқарувни такомиллаштириш ва ҳ.к.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари

1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т: Ўзбекистон, 2003. - 40 б.

1.2. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик тўғрисидаги”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси: қонунлар ва фармонлар. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – 159-163-бетлар.

1.3. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари: II-китоб. - Т.:”Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”, 1999. - 140-153-бетлар.

1.4. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари: II-китоб. - Т.:”Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”, 1999. - 154-160-бетлар.

1.5. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлар фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. - Т.:Ўзбекистон, 2002. - 46-72-бетлар.

1.6. Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонуни. “Халқ сўзи” газетаси, 2000 йил 13 июнь.

1.7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. //Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. - Т.:Ўзбекистон, 2002. - 201-205-бетлар.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари

2.1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. - Т.: “Ўзбекистон”, 1992. – 74 б.

2.2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: “Ўзбекистон”, 1995. - 269 б.

2.3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1997. - 326 б.

2.4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999. - 48 б.

2.5. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. /И.А. Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

2.6. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. /И.А.Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.

2.7. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанамиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. /И.А.Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 48 б.

III. Китоблар ва монографиялар

3.1. Абдурахмонов Қ.Х., Аллаяров А.Л., Додобоев Ю.Т., Хасанжонов Қ.А. Марказий Осиё давлатларининг регионал иқтисодиёти. – Т.: “Turon-Iqbol” нашриёти, 2006. – 424 б.

3.2. Алимов Р.М. Центральная Азия: общность интересов. – Т.: «Шарк», 2005. – 464 с.

3.3. Алчинов В.М. СНГ – Россия – Евросоюз. Проблемы и перспективы интеграции /В.М. Алчинов; Дипломат. акад. МИД России, Ин-т актуал. междунар. проблем. – М.: Восток – Запад, 2008. – 220 с.

3.4. Арифханов Ш.Р. Центральная Азия: настоящее и будущее /Т.: 2010. – 218 с.

3.5. Баринов В.А. Внешнеэкономическая деятельность. – М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2008. – 192 с.

3.6. Богомолов О.Т. Мировая экономика в век глобализации. – М.: ЗАО “Издательство “Экономика”, 2007. – 359 с.

3.7. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. – Т.: “Молия”. – 2010. – 328 с.

3.8. Динкевич А.И., Швыдко В. Г. Страны Центральной Азии - новая фаза переходного периода / Ин-т востоковедения РАН. - М., 2005. - 174 с.

3.9. Евразийская стратегия суверенного Казахстана / Под ред. Б.К.Султанова. – Алматы: КИСИ, 2005. – 342 с.

3.10. Иванов Э.М. Экономические отношения России со странами Центральной Азии / Под ред. Е.М. Кожокина; Рос. ин-т стратег. исслед. - М., 2006. - 127 с.

3.11. Кругман П.Р., Обсфельд М. Международная экономика: теория и практика. /Пер. с англ. М.: МГУ, ЮНИТИ, 1997. – 349 с.

3.12. Сиражиддинов Н. Проблемы повышения эффективности внешней торговли Узбекистана: теоретико-методологические аспекты. Монография. Ташкент – 2004. – 224 с.

3.13. Центральная Азия: геэкономика, геополитика, безопасность. Т.: «Шарк». 2002. – 208 с.

3.14. Шишков Ю.В. Теоретические проблемы мировой системы хозяйствования. //Экономическая теория национальной экономики и мирового хозяйства. М., 2007. – с.257.

3.15. Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари: назария ва амалиёт. /Муаллифлар жамоаси: Р.О. Алимов, А.Ф.

Расулев, А.М. Қодиров ва бошқалар. //С.С. Ғуломов таҳрири остида. – Тошкент: Konsauditinform-Nashr, 2006. – 440 б.

4. Журнал ва илмий тўпламдаги мақолалар

4.1. Арифханов Ш. Р. Формирование Центрально-азиатского общего рынка с учетом национальных интересов Узбекистана. //«Экономика Узбекистана» информационно-аналитический бюллетень за 2005 год. – 2006, №8. – с.117-120.

4.2. Бекмурадов А. Внешняя политика Республики Узбекистан в контексте экономической безопасности (методологический аспект).//Xalqaro munosabatlar. 2000, №2. - с.3-10.

4.3. Бляхман Л.С. Факторы конкурентоспособности экономики стран СНГ. //Проблемы современной экономики. – 2007. - №3 (23). – с.5-8.

4.4. Доулинг М., Вигнараджа Г. Экономическое возрождение республик Центральной Азии: рубеж пройден //Центр. Азия и Кавказ. - Lulea, 2005. - №6. - с. 120-132.

4.5. Зиядуллаев Н.С. Сотрудничество России с Центральной Азией в рамках региональных организаций (ЕврАзЭС, ШОС и др.) //Рос. внешнеэкон. вестн. - 2006. - №10. - с.35-45.

4.6. Концептуальные основы экономической интеграции стран Центральной Азии // Центр. Азия и Кавказ. - Lulea, 2004. - №5. - с. 175-179.

4.7. Либман А., Хейфец Б. Корпоративная модель региональной экономической интеграции. //Мировая экономика и международные отношения, 2007. №3. – с.15

4.8. Либман А. Экономическая интеграция на постсоветском пространстве: институциональный аспект. //Вопросы экономики. 2006, №3. – с.142-156.

4.9. Парамонов В., Камилов И., Строков А. Состояние и перспективы интеграции в Центральной Азии. // Экон. обозрение. - Ташкент, 2005. - №2. - с. 6-11.

4.10. Рахматуллина Г. Интеграционные процессы в Центральной Азии. Возможности формирования общего рынка // Центр. Азия и Кавказ. - Lulea, 2005. - №6. - С. 133-139.

4.11. Старр Ф. Историческая перспектива сотрудничества в Центральной Азии //Казахстан в глобальных процессах. – 2008. - №3. – С. 17.

4.12. Ушакова Н. Центральноеазиатское сотрудничество: направления трансформации. //Центральная Азия и Кавказ. 2003, №3. – с.14-19.

5. Хорижий тилдаги адабиётлар

5.1. Adam Smith. An Inquiry into the Nature and Causes of the Wealth of Nations. A Selected. Edited with an introduction and Notes by Kathrin Sutherland. – Oxford University Press, 1998, - 618 pp.

5.2. Anne O. Krueger. Trade Policy and Economic Development: How We Learn. – National Bureau of Economic Research, Working Paper 5896, January 1997, pp. 7-9.

5.3. Bertil Ohlin. Interregional and International Trade. - Cambridge: Harvard University Press, 1933.

5.4. Bhagwati, Jaddish N. and Srinivasan, T.N. A General Equilibrium Theory of Effective protection and Resource Allocation. – Journal of International Economics, Vol. 3, pp. 259-28.

5.5. Krugman P. Import protection as Export promotion: International Competition in the Presense of Oligopolies and Economies of Scale. In: Monopolistic Competition and International Trade. – Oxsford Univ. Press, 1984.

5.6. Ricardo David. The Principles of Political Economy and Taxation. – Cambridge: Cambridge University Press, 1951.

6. Статистик тўпламлар ва маълумотномалар

6.1. Казахстан и страны СНГ. /Ежеквартальный журнал, 2010. – № 1. - Астана – 73 с.

6.2. Экономика Узбекистана: информационно-аналитический бюллетень, 2009 год. – Т.: 2010. – 70 с.

6.3. Статистическое обозрение Узбекистана за 2010 год. /Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике, 2011 – 85с.

6.4. Внешняя торговля Кыргызской Республики 2004-2009. Бишкек 2009. – 160 с.

6.5. Содружество Независимых Государств в 2009 году. М.: 2010. – 244с.

6.6. Казахстан в 2009 году. Статистический сборник /Под ред. А.А. Смаилова /Агентство Республики Казахстан по статистике – Астана. – 2010. – 503 с.

6.7. Статистические показатели социально-экономического развития Республики Казахстан и его регионов. /Агентство Республики Казахстан по статистике – Астана. – 2011. – 250 с.

6.8. UNCTAD. World Investment Report 2010

6.9. World Metal Statistics, 2009

7. Интернет ресурслар

7.1. www.stat.uz

7.2. www.cer.uz

7.3. www.press-service.uz.

7.4. www.cisstat.org.

7.5. www.stat.kz

7.6. www.ereport.ru

7.7. www.akorda.kz

7.8. www.government.kz

**Қозоғистон Республикасининг асосий макроиқтисодий
кўрсаткичлари
(ўтган йилга нисбатан % ҳисобида)**

| | 2000 | 2001 | 2002 | 2003 | 2004 | 2005 | 2006 | 2007 | 2008 | 2009 | 2010 |
|---|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|
| Ялпи ички маҳсулот | 109,8 | 113,5 | 109,8 | 109,3 | 109,6 | 109,7 | 110,6 | 108,5 | 102,4 | 101,2 | 107 |
| Саноат маҳсулоти | 116 | 114 | 110 | 109 | 110 | 105 | 107 | 104,5 | 102,1 | 101,7 | 102,6 |
| Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти | 96 | 117 | 103 | 101 | 99,5 | 107 | 106 | 108,4 | 94,4 | 113,8 | 88,3 |
| Асосий капиталга киритилган инвестициялар | 149 | 145 | 111 | 117 | 123 | 134 | 111 | 108,2 | 104,6 | 102,1 | 99,5 |
| Юк ташиш | 145 | 113 | 113 | 109 | 109 | 104 | 106 | 105,4 | 104,0 | 97,2 | 115,7 |
| Чакана товар айланмаси | 107 | 116 | 108 | 110 | 118 | 114 | 115 | 110,0 | 103,6 | 96,1 | 112 |
| Истеъмол нархлари индекси | 113 | 108 | 106 | 106 | 107 | 108 | 109 | 110,8 | 109,5 | 107,3 | 106,2 |
| МДҲ мамлакатларига экспорт | 155 | 113 | 83 | 136 | 137 | 99,3 | 137 | 142,9 | 151 | 61,5 | 117 |
| Узоқ хориж мамлакатларига экспорт | 148 | 93 | 125 | 133 | 161 | 149 | 137 | 121,8 | 139 | 60,5 | 141 |
| МДҲ мамлакатларидан импорт | 170 | 121 | 92 | 129 | 156 | 133 | 136 | 132,0 | 112 | 60,9 | 113 |
| Узоқ хориж мамлакатларидан импорт | 113 | 136 | 113 | 126 | 149 | 138 | 137 | 144,0 | 120 | 80,1 | 99 |

**Қирғизистон Республикасининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари
(Ўтган йилга нисбатан % ҳисобида)**

| | 2000 | 2001 | 2002 | 2003 | 2004 | 2005 | 2006 | 2007 | 2008 | 2009 | 2010 |
|---|-------|-------|-------|-------------------|-------------------|-------------------|-------|-------|-------|-------|-------|
| Ялпи ички маҳсулот | 105,4 | 105,3 | 100,0 | 107,0 | 107,0 | 99,8 | 102,7 | 108,2 | 107,6 | 102,3 | 98,6 |
| Саноат маҳсулоти | 106 | 105 | 89 | 117 | 105 | 88 | 90 | 107,3 | 114,9 | 93,9 | 109,8 |
| Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти | 103 | 107 | 103 | 103 | 104 | 96 | 102 | 101,6 | 100,6 | 107,4 | 97,2 |
| Асосий капиталга киритилган инвестициялар | 137 | 86 | 90 | 93 | 102 | 106 | 155 | 103,7 | 94,6 | 119,7 | 90,2 |
| Юк ташиш | 105 | 97 | 105 | 109 | 104 | 91 | 99,6 | 115,5 | 120,6 | 106,8 | 101,1 |
| Чакана товар айланмаси | 107 | 106 | 109 | 111 | 117 | 114 | 116 | 109,4 | 109,3 | 99,9 | 98 |
| Истеъмол нархлари индекси | 119 | 107 | 102 | 103 ¹⁾ | 104 ¹⁾ | 104 ¹⁾ | 106 | 110,2 | 120 | 106,8 | |
| МДҲ мамлакатларига экспорт | 113 | 81 | 100,1 | 119 | 137 | 110 | 125 | 149,6 | 104 | 67,2 | 105 |
| Узоқ хориж мамлакатларига экспорт | 110 | 104 | 103 | 120 | 117 | 83 | 113 | 136,6 | 152 | 108,9 | 106 |
| МДҲ мамлакатларидан импорт | 115 | 86 | 126 | 127 | 142 | 117 | 146 | 153,8 | 144 | 78,6 | 99,7 |
| Узоқ хориж мамлакатларидан импорт | 75 | 82 | 126 | 116 | 117 | 117 | 172 | 122,8 | 149 | 70,1 | 114 |

**Тоҷикистон Республикасининг асосий макроиқтисодий
кўрсаткичлари
(ўтган йилга нисбатан % ҳисобида)**

| | 2000 | 2001 | 2002 | 2003 | 2004 | 2005 | 2006 | 2007 | 2008 | 2009 | 2010 |
|---|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|
| Ялпи ички маҳсулот | 108,3 | 109,6 | 110,8 | 111,0 | 110,3 | 106,7 | 107,0 | 107,8 | 107,9 | 103,4 | 106,5 |
| Саноат маҳсулоти | 110 | 115 | 108 | 110 | 115 | 110 | 105 | 109,9 | 96,0 | 93,7 | 109,7 |
| Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти | 113 | 107 | 117 | 109 | 111 | 102 | 106 | 106,5 | 107,9 | 110,1 | 106,8 |
| Асосий капиталга киритилган инвестициялар | ... | ... | ... | ... | 150 | 112 | 170 | 203,6 | 160,8 | 84,5 | 111,5 |
| Юк ташиш | 105 | 100,8 | 99,3 | 121 | 117 | 115 | 110 | 116,7 | 108,4 | 118,8 | 110,3 |
| Чакана товар айланмаси | 79 | 102 | 118 | 125 | 123 | 110 | 111 | 105,2 | 113,5 | 110,4 | 110 |
| Истеъмол нархлари индекси | 124 | 137 | 110 | 117 | 107 | 108 | 112 | 121,5 | 111,8 | 106,4 | 109,8 |
| МДҲ мамлакатларига экспорт | 119 | 57 | 89 | 74 | 115 | 112 | 105 | 123,0 | 98 | 91,2 | 77 |
| Узоқ хориж мамлакатларига экспорт | 110 | 107 | 125 | 120 | 115 | 97 | 166 | 102,2 | 85 | 67,9 | 129 |
| МДҲ мамлакатларидан импорт | 109 | 96 | 102 | 109 | 129 | 112 | 127 | 138,1 | 114 | 80,2 | 106 |
| Узоқ хориж мамлакатларидан импорт | 78 | 130 | 116 | 163 | 148 | 112 | 134 | 149,7 | 153 | 76,3 | 99,6 |

**Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиктисодий
кўрсаткичлари
(ўтган йилга нисбатан % ҳисобида)**

| | 2000 | 2001 | 2002 | 2003 | 2004 | 2005 | 2006 | 2007 | 2008 | 2009 | 2010 |
|---|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|
| Ялпи ички маҳсулот | 103,8 | 104,2 | 104,0 | 104,2 | 107,4 | 107,0 | 107,5 | 109,5 | 109,0 | 108,1 | 108,5 |
| Саноат маҳсулоти | 105,9 | 107,6 | 108,3 | 106 | 109,4 | 107,2 | 110,8 | 112,1 | 112,7 | 109,0 | 108,3 |
| Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти | 103,1 | 104,2 | 106,0 | 107,3 | 108,9 | 105,9 | 106,7 | 106,1 | 104,5 | 105,7 | 106,8 |
| Асосий капиталга киритилган инвестициялар | 101 | 104 | 103,6 | 104,5 | 107,3 | 105,7 | 109,3 | 125,8 | 128,3 | 124,8 | 109,2 |
| Юк ташиш | 120,4 | 101,7 | 107,8 | 105,4 | 102,5 | 106,6 | 106,6 | 107,3 | 106,4 | 93,1 | 100 |
| Чакана товар айланмаси | 107,6 | 109,6 | 102,1 | 104,2 | 105,2 | 105,1 | 114,7 | 115,5 | 117,2 | 116,6 | 115 |
| Истеъмол нархлари индекси | | 127 | 122 | 104 | 104 | 108 | 106,8 | 106,8 | 107,8 | 107,4 | 107,3 |
| МДХ мамлакатларига экспорт | 119,3 | 93,0 | 75,5 | 117,7 | 157,7 | 112,7 | 155,9 | 159,1 | 93,9 | 99,9 | 150,4 |
| Узоқ хориж мамлакатларига экспорт | 92,9 | 99,4 | 104,1 | 127,3 | 120,6 | 110,9 | 100,5 | 127,4 | 160,3 | 103,7 | 91 |
| МДХ мамлакатларида н импорт | 139,0 | 103,8 | 85,6 | 113,6 | 129,7 | 114,0 | 117,3 | 132,1 | 94,1 | 86,3 | 86,2 |
| Узоқ хориж мамлакатларида н импорт | 79,2 | 108,1 | 86,9 | 106,8 | 128,1 | 102,9 | 100,6 | 92,4 | 129,5 | 107,7 | 96,8 |

**Марказий Осиё мамлакатлари ялпи ички маҳсулотининг
жисмоний ҳажм индекси
(доимий нархларда)**

| | 2001 | 2003 | 2004 | 2005 | 2006 | 2007 | 2008 | 2009 | 2010 |
|--|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|
| Ўтган йилга нисбатан % ҳисобида | | | | | | | | | |
| Қозоғистон | 113,5 | 109,3 | 109,6 | 109,7 | 110,7 | 108,5 | 102,4 | 101,2 | 107,0 |
| Қирғизстон | 105,3 | 107,0 | 107,0 | 99,8 | 103,1 | 108,2 | 107,6 | 102,3 | 98,6 |
| Тожикистон | 109,6 | 111,0 | 110,3 | 106,7 | 107,0 | 107,8 | 107,9 | 103,4 | 106,5 |
| Ўзбекистон | 104,2 | 104,4 | 107,7 | 107,0 | 107,3 | 109,5 | 109,0 | 108,1 | 108,5 |
| 2000 = 100 | | | | | | | | | |
| Қозоғистон | 113,5 | 136,2 | 149,3 | 163,8 | 181,3 | 197 | 201,7 | 204,1 | 220,8 |
| Қирғизстон | 105,3 | 112,7 | 120,6 | 120,3 | 124,0 | 134 | 144,2 | 147,5 | 148 |
| Тожикистон | 109,6 | 134,8 | 148,7 | 158,6 | 169,7 | 183 | 197,4 | 204,1 | 217,4 |
| Ўзбекистон | 104,2 | 113,1 | 121,8 | 130,4 | 139,9 | 153,2 | 167 | 180,5 | 195,3 |

**Марказий Осиё мамлакатларида асосий капиталга киритилган
инвестициялар индекси
(доимий нархларда)**

| | 2001 | 2003 | 2004 | 2005 | 2006 | 2007 | 2008 | 2009 | 2010 |
|--|------|------|------|------|------|-------|-------|-------|-------|
| Ўтган йилга нисбатан % ҳисобида | | | | | | | | | |
| Қозоғистон | 145 | 117 | 123 | 134 | 111 | 108 | 104,6 | 102,1 | 99,5 |
| Қирғизстон | 86 | 93 | 102 | 106 | 155 | 104 | 94,6 | 119,7 | 90,2 |
| Тожикистон | ... | ... | 150 | 112 | 170 | 204 | 160,8 | 84,5 | 111,5 |
| Ўзбекистон | 104 | 105 | 105 | 107 | 109 | 122,9 | 128,3 | 124,8 | 109,2 |
| 2000 = 100 | | | | | | | | | |
| Қозоғистон | 145 | 187 | 230 | 308 | 342 | 370 | 387,0 | 395,1 | 457 |
| Қирғизстон | 86 | 72 | 74 | 78 | 121 | 125 | 118,2 | 141,5 | 158 |
| Тожикистон | ... | ... | ... | ... | ... | ... | ... | ... | ... |
| Ўзбекистон | 104 | 114 | 119 | 127 | 139 | 170,8 | 219,1 | 273,4 | 322 |

Марказий Осиёнинг алоҳида мамлакатлари жами экспортида

МДҲ ва бошқа мамлакатларнинг улуши

(фоиз ҳисобида)

| | 2000 | 2003 | 2004 | 2005 | 2006 | 2007 | 2008 | 2009 | 2010 |
|--------------------|------|------|------|------|------|------|------|------|------|
| Қозоғистон | | | | | | | | | |
| МДҲ мамлакатлари | 27 | 23 | 20 | 15 | 15 | 17 | 15,6 | 16 | 11 |
| бошқа мамлакатлар | 73 | 77 | 80 | 85 | 85 | 83 | 84,6 | 84 | 89 |
| Қирғизистон | | | | | | | | | |
| МДҲ мамлакатлари | 41 | 35 | 38 | 45 | 48 | 50 | 47,6 | 16 | 38 |
| бошқа мамлакатлар | 59 | 65 | 62 | 55 | 52 | 50 | 52,4 | 84 | 62 |
| Тожикистон | | | | | | | | | |
| МДҲ мамлакатлари | 48 | 17 | 17 | 20 | 13 | 15 | 16 | 21 | 13 |
| бошқа мамлакатлар | 52 | 83 | 83 | 80 | 87 | 85 | 84 | 79 | 87 |
| Ўзбекистон | | | | | | | | | |
| МДҲ мамлакатлари | 35,9 | 26 | 31,5 | 31,8 | 42 | 44 | 34,7 | 33,3 | 45,2 |
| бошқа мамлакатлар | 64,1 | 74 | 68,5 | 68,2 | 58 | 56 | 65,3 | 66,7 | 54,8 |

**Марказий Осиёнинг алоҳида мамлакатлари жами импортида МДХ
ва бошқа мамлакатларнинг улуши
(фоиз ҳисобида)**

| | 2000 | 2003 | 2004 | 2005 | 2006 | 2007 | 2008 | 2009 | 2010 |
|--------------------|------|------|------|------|------|------|------|------|------|
| Қозоғистон | | | | | | | | | |
| МДХ мамлакатлари | 54 | 47 | 48 | 47 | 47 | 45 | 46,2 | 43 | 35 |
| бошқа мамлакатлар | 46 | 53 | 52 | 53 | 53 | 55 | 53,8 | 57 | 65 |
| Қирғизистон | | | | | | | | | |
| МДХ мамлакатлари | 54 | 57 | 62 | 62 | 58 | 63 | 53,7 | 57 | 54 |
| бошқа мамлакатлар | 46 | 43 | 38 | 38 | 42 | 37 | 46,3 | 43 | 46 |
| Тожикистон | | | | | | | | | |
| МДХ мамлакатлари | 83 | 68 | 65 | 65 | 64 | 62 | 56,1 | 57 | 59 |
| бошқа мамлакатлар | 17 | 32 | 35 | 35 | 36 | 38 | 43,9 | 43 | 41 |
| Ўзбекистон | | | | | | | | | |
| МДХ мамлакатлари | 38,2 | 38,3 | 38,6 | 41,1 | 44,8 | 45 | 42,7 | 43,3 | 40,1 |
| бошқа мамлакатлар | 61,8 | 61,7 | 61,4 | 58,9 | 55,2 | 55 | 57,3 | 56,7 | 59,9 |

Ўзбекистоннинг Тожикистон Республикасига экспортининг товар таркиби (фоиз ҳисобида)

| | 2005 | | 2006 | | 2007 | | 2008 | | 2009 | | 2010 | |
|--|---------|------|----------|------|----------|------|----------|------|----------|------|----------|------|
| | Млн дол | % | Млн. дол | % | Млн. дол | % | Млн. дол | % | Млн. дол | % | Млн. дол | % |
| Жами | 96,2 | 100 | 117,4 | 100 | 135,5 | 100 | 95,9 | 100 | 84,7 | 100 | 62,9 | 100 |
| Ёқилғи, нефть маҳсулотлари | 55,7 | 58 | 57,47 | 49 | 83,78 | 62 | 88,45 | 92 | 67,35 | 80 | 59,85 | 95 |
| Тамаки ва тамаки маҳсулотлари | 0,06 | 0,00 | 0,17 | 0,00 | 0,25 | 0,00 | 0,00 | 0,00 | 0,38 | 0,00 | 1,74 | 3 |
| Ер устки транспорт воситалари ва қисмлари | 2,86 | 3 | 2,87 | 2 | 1,11 | 1 | 0,61 | 1 | 0,79 | 1 | 0,67 | 1 |
| Қора металл буюмлари | 1,35 | 1 | 0,42 | 0,00 | 0,55 | 0,00 | 0,01 | 0,00 | 0,00 | 0,00 | 0,18 | 0,00 |
| Мебель; матрац, мебель қисмлари; ёруғлик манбаалари. | 0,11 | 0,00 | 0,50 | 0,00 | 0,56 | 0,00 | 0,12 | 0,00 | 0,02 | 0,00 | 0,09 | 0,00 |
| Каучук ва резина буюмлари | 0,14 | 0,00 | 0,14 | 0,00 | 0,00 | 0,00 | 0,00 | 0,00 | 0,00 | 0,00 | 0,08 | 0,00 |
| Механик ускуналар ва уларнинг қисмлари | 1,53 | 2 | 1,66 | 1 | 1,39 | 1 | 0,56 | 1 | 0,35 | 0,00 | 0,08 | 0,00 |
| Электр ускуналари, аудио-видеотехникалар; | 1,79 | 2 | 0,77 | 1 | 0,41 | 0,00 | 3,82 | 4 | 0,74 | 1 | 0,08 | 0,00 |
| Қоғоз ва картон маҳсулотлари | 0,36 | 0,00 | 0,29 | 0,00 | 0,27 | 0,00 | 0,14 | 0,00 | 0,13 | 0,00 | 0,05 | 0,00 |
| Парфюмерия, косметологик воситалар | 0,08 | 0,00 | 0,11 | 0,00 | 0,00 | 0,00 | 0,00 | 0,00 | 0,00 | 0,00 | 0,05 | 0,00 |

**Ўзбекистоннинг Туркменистон Республикасига экспортининг
товар таркиби (фоиз ҳисобида)**

| | 2005 | | 2006 | | 2007 | | 2008 | | 2009 | | 2010 | |
|---|---------|------|----------|------|----------|------|----------|-----|----------|------|----------|-----|
| | Млн дол | % | Млн. дол | % | Млн. дол | % | Млн. дол | % | Млн. дол | % | Млн. дол | % |
| Жами | 19,7 | 100 | 18,9 | 100 | 57,3 | 100 | 89 | 100 | 86,3 | 100 | 87,6 | 100 |
| Туз, олтингугурт, тупрок ва тош, охак, цемент | 6,94 | 35 | 1,99 | 11 | 0,93 | 2 | 8,53 | 10 | 26,41 | 31 | 24,42 | 28 |
| Тамаки ва тамаки маҳсулотлари | 2,38 | 12 | 4,70 | 25 | 9,98 | 17 | 4,92 | 6 | 5,38 | 6 | 16,89 | 19 |
| Мева-сабзавот маҳсулотлари, ёнғоқ | 0,00 | 0,00 | 1,65 | 9 | 2,67 | 5 | 4,77 | 5 | 8,67 | 10 | 10,21 | 12 |
| Саноат ва тиббиёт учун ўсимликлар | 0,01 | 0,00 | 2,31 | 12 | 3,19 | 6 | 4,35 | 5 | 11,73 | 14 | 6,95 | 8 |
| Механик ускуналар ва уларнинг қисмлари | 1,42 | 7 | 1,05 | 6 | 6,93 | 12 | 17,17 | 19 | 1,54 | 2 | 5,39 | 6 |
| Ўғитлар | 3,70 | 19 | 0,00 | 0,00 | 10,69 | 19 | 31,78 | 36 | 20,51 | 24 | 3,49 | 4 |
| Алюминий ва алюминий маҳсулотлари | 0,03 | 0,00 | 0,00 | 0,00 | 0,00 | 0,00 | 0,61 | 1 | 1,53 | 2 | 3,04 | 3 |
| Оптик, фото, кинематография, тиббиёт ускуналари ва уларнинг қисмлари; | 0,00 | 0,00 | 0,43 | 2 | 0,79 | 1 | 2,91 | 3 | 0,24 | 0,00 | 2,38 | 3 |
| Ер устки транспорт воситалари ва қисмлари | 0,06 | 0,00 | 0,00 | 0,00 | 5,72 | 10 | 2,03 | 2 | 1,50 | 2 | 1,80 | 2 |
| Шиша ва шиша буюмлари | 0,34 | 2 | 1,10 | 6 | 1,29 | 2 | 2,41 | 3 | 1,61 | 2 | 1,68 | 2 |

**Ўзбекистонга Туркменистон Республикасидан импорт
килинаётган товарлар таркиби (фоиз ҳисобида)**

| | 2005 | | 2006 | | 2007 | | 2008 | | 2009 | | 2010 | |
|---|-------------|------|-------------|------|-------------|------|-------------|------|-------------|------|-------------|------|
| | Млн. дол | % | Млн. дол | % | Млн. дол | % | Млн. дол | % | Млн. дол | % | Млн. дол | % |
| Жами | 7,78 | 100 | 10,18 | 100 | 8,52 | 100 | 9,13 | 100 | 58,37 | 100 | 70,93 | 100 |
| Ёқилғи, нефть ва нефть маҳсулотлари | 0,82 | 11 | 3,51 | 34 | 0,01 | 0,00 | 0,00 | 0,00 | 40,14 | 69 | 51,22 | 72 |
| Ўсимлик ва хайвон мойлари | 0,00 | 0,00 | 0,00 | 0,00 | 0,00 | 0,00 | 0,00 | 0,00 | 8,07 | 14 | 10,48 | 15 |
| Пластмасса ва пластмасса маҳсулотлари | 5,97 | 77 | 6,06 | 60 | 7,62 | 89 | 8,58 | 94 | 9,52 | 16 | 8,56 | 12 |
| Кимёвий моддалар | 0,01 | 0,00 | 0,00 | 0,00 | 0,00 | 0,00 | 0,00 | 0,00 | 0,00 | 0,00 | 0,58 | 1 |
| Пахта ва пахта маҳсулотлари | 0,00 | 0,00 | 0,00 | 0,00 | 0,03 | 0,00 | 0,00 | 0,00 | 0,00 | 0,00 | 0,03 | 0,00 |
| Ноорганик кимёвий моддалар | 0,05 | 1 | 0,00 | 0,00 | 0,08 | 1 | 0,12 | 1 | 0,08 | 0,00 | 0,03 | 0,00 |
| Сабзавот маҳсулотлари | 0,00 | 0,00 | 0,02 | 0,00 | 0,10 | 1 | 0,03 | 0,00 | 0,01 | 0,00 | 0,01 | 0,00 |
| Гипс, цемент, асбест маҳсулотлари | 0,00 | 0,00 | 0,00 | 0,00 | 0,00 | 0,00 | 0,00 | 0,00 | 0,00 | 0,00 | 0,01 | 0,00 |
| Механик ускуналар ва уларнинг қисмлари | 0,00 | 0,00 | 0,02 | 0,00 | 0,08 | 1 | 0,02 | 0,00 | 0,03 | 0,00 | 0,01 | 0,00 |
| Мева, ёнғоқ ва сабзавот маҳсулотлари | 0,01 | 0,00 | 0,00 | 0,00 | 0,00 | 0,00 | 0,00 | 0,00 | 0,00 | 0,00 | 0,01 | 0,00 |